ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» АЖдаги талон-тарожликлар юзасидан судларга 2 млрд. 335 млн. 330 минг сўмлик 514 та даъво аризаси киритилди. 4 бет

ЎЗИНГИЗДАН УЯЛИНГ!

Сиз ичувчи, маиший бузуқ бўлсангиз, ўғил-қизингиз ўзингиздан ўтса ўтадики, кам бўлмайди. Сиз бировнинг мулкини сўраб олиб, қайтариб бермасангиз... 9 бет

ФОЖЕАЛИ ҚИСМАТ

2006 йил 29 сентябр куни Навоий аэропорти яқинида ер текислаётганда аврогрейдернинг ер текисловчи отвали тагидан одам танасининг қисмлари топилди... 10 бет

ИБЛИС ТАЛВАСАСИ

– Адолат менинг чўнтагимдаги пул, билдингми? Ҳамма жой мени тинглайди. Қарға қарғанинг кўзини чўқиганини кўрганмисан, нодон?.. 11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 22-fevral, № 08 (529)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Қарор ва ижро



Юртимиздаги тарихий обидалар ҳар доим зиёратчиларни ўзига ром қилиб келган. Хивадаги Ичанқалъани оламизми ёки Бухоро аркини ё Самарқанддаги Регистон, Шоҳизинда ансамбларини айтамизми, ҳаммаси улуғворлиги, қадимийлиги билан сайёҳларни лол қилиб келмоқда.

ОБОДЛИК ТАРАДДУДИ

Уларни авайлаб-асраш эса мана шу юртда яшаётган ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Мустақиллик йиллари бу турдаги кўплаб қадамжо ва тарихий бинолар реконструкция қилиниб, асил ҳолига қайтарилди.

Халқимиз маънавий меросининг ажралмас қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси ҳам юртимиз ва мусулмон оламида ўзига хос ўринга эга табаррук маскан ҳисобланади. У Каффол Шоший мақбараси, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасаларини ўзида жамлаган.

Бу мажмуа ҳозирги кунда ислом дини ғояларини кенг ёйишда маърифий марказ вазифасини ўташ билан бирга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасидаги Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минглаб нодир асарларни ўзида сақлаб, жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори бу мажмуанинг асил тарихий қиёфасини тиклаш ва маънавий меросни авлодларга бусбутун етказиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган 500 млн. сўм миқдоридаги маблағ мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш имконини беради. Эндиликда Ҳазрати Имом мажмуасида кенг миқёсда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Тажриба ва амалиёт

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ПОЙТАХТДА

Фарғона вилояти журналистлар ижодий уюшмасининг ташаббуси билан вилоятда чоп этилаётган 21 та газета таҳририяти журналистлари пойтахт оммавий ахборот воситаларида малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳрига келдилар.

Журналистларнинг илк учрашуви Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қабулдан бошланди. Мулоқот чоғида Олий Мажлис депутатлари И.Саифназаров, Ж.Ғуломов, О.Ўсаров, Ж.Ҳакимовлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида, депутат ва сенаторлар амалга ошираётган ишлар ҳақида тўхталиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида вилоят журналистлари «Халқ сўзи», «Huquq», «Моҳият», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жамият», «Маърифат», «XXI аср», «Ўзбекистон овози» каби газета таҳририятларига малака ошириш учун йўл олдилар.

— Пойтахтга ташрифимиз бизни руҳлантириб юборди, —дейди Фарғона вилоятидаги «Ниҳол» газетаси муҳаррири М.Эркабоева. — Мен «Маърифат» газетаси журналистлари билан тажриба алмашдим. Ҳамкорлигимиз маҳсули сифатида мақолаларим газетада чоп этилди.

— «Моҳият» газетаси таҳририятига келганимда жамоа мени илиқ кутиб олди, — дейди Фурқат туманидаги «Навбаҳор» газетаси муҳаррири Адҳам Мирсаидов. — Таҳририят иши билан танишдим. Мулоқотларимизни сўз билан таърифлашга қалам ожизлик қилади.

«Фарғона ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири М.Усмонова, Данғара туман ҳокимлиги газетаси муҳаррири Б.Юнусалиев, «Қалб садоси» газетаси мухбири М.Абдураҳмонова, «Қува ҳаёти» газетаси муҳаррири З.Алиевалар ҳам турли таҳририятларда бўлиб, фикр алмашдилар. Вилоят журналистлари, шунингдек, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети талабалари билан ҳам учрашдилар. Ҳар бир учрашув мушоирага айланди. Журналистлар янги куч-ғайрат билан водийга қайтдилар. Бир ҳафта давом этган мулоқотлар уларга илҳом бағишлаши шубҳасиз.

Н.ҲОЖИМАТОВА,
журналист

Хабар

Мунозара кечаси

Яқинда Андижон давлат тиббиёт институтида мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ўзгаришлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросига бағишланган баҳс-мунозара кечаси бўлиб ўтди.

ТДЮИ, Тошкент шаҳар «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги «Маънавият ва маърифат маркази» қошида ташкил этилган «Агитатор» ҳуқуқий тарғибот клуби ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда тиббиёт институти фалсафа, Ўзбекистон тарихи ва иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири Абдуфаттоҳ Асханов ҳамда Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари маркази бошлиғи Дилдора Назаровалар қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг моҳияти ҳақида фикр билдирдилар.

Қизиқарли ўтган тадбир институт ўқитувчи ва талабаларининг ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишлари билан ниҳоясига етди.

Омонулла АБДУСАЛОМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ассистенти

Сарҳисоб

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАДИ

Ҳозир Қорақалпоғистонда 1 млн. 573 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 785 мингдан ортиқроғи хотин-қизлардир. 710 та аёл қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига раҳбарлик қилаяпти. Минглаб аёлларимиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиляпти. Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ҳам айнан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларидаги мавқеини ошириш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланди. Унда таъкидланганидек, Республика прокуратураси томонидан 2006 йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш хусусида 56 та прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, 41 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахслар жавобгарликка тортилган.

Қорақалпоғистонда 2007 йил январ ойигача 300 минг 747 та оила ҳисобга олинган. Шундан ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилган 208 минг 729 та оилага 20 млрд. 73 млн. 215 минг сўмлик маблағ молиялаштирилиб берилиши таъминланди. Шундан Республика прокуратурасининг аралашуви билан 88 млн. 200 минг сўм ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилган. Узоқ овуллардаги ижтимоий аҳволи паст бўлган оилаларга моддий ёрдам бериш масалалари алоҳида ўрганилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ 5 та жиноят фош этилди. Жумладан, Нукус шаҳрида яшовчи Роза Исоқова 2004 йил август ойида тахиатошлик Г.Мамбетова ва унинг танишларини ишга жойлаштириш баҳонаси билан Қозоғистонга олиб бориб, сотиб юборган.

Худди шундай жиноятни содир этганлиги учун берунийлик Отамуродов Рустам, тахиатошлик Сидельникова Галиялар суд ҳукми билан қонуний жазосини олган бўлса, Чимбой туманида яшовчи Ш.Тожиддиновга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Афсуски, хотин-қизлар ўртасида ҳам жиноят содир этаётганлар учраб турибди. 2006 йили Қораўзак туманида бундайлар 3 та бўлган бўлса, Тўрткўл, Беруний, Қўнғирот, Хўжайли туманларида хотин-қизлар жиноятида 20-50 фоиз камайишига эришилган. Мўйноқ туманида аёллар умуман жиноят содир этмаган. Хотин-қизлар жиноятида Тахтакўпир, Қонликўл, Чимбой туманларида 100-200 фоизга ўсганлиги ачинарли ҳолдир. Айниқса, аёллар ўртасида гиёҳвандлик, фирибгарлик, безорилик ва қўшмачилик жиноятлари учраётганлиги кишини ўйлантиради. Бу аёлларнинг кўпчилиги эсли-ҳушли, 30 ёшдан ошган бўлишса ҳам енгил-елпи пул топиш мақсадида жиноятга қўл ураётганликлари аниқланган.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида қайд қилинганидек, хотин-қизлар қўмиталари, ички ишлар бўлими, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда ишласалар, профилактик ишларнинг самараси ортган бўлур эди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Жонибекова иштирок этди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимов қатнашди ва сўзга чиқди.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

ҚОНУНГА МУВОФИҚ БЎЛСИН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Республика Бош прокурорининг бу борадаги буйруқ ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга қаратилмоқда. 2006 йилда қилинган ишлар умумлаштирилиб, вилоят прокуратураси раҳбарияти ҳузуридаги йиғилишда муҳокама қилинди. Суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашда прокурор иштирокининг самарадорлигини оширишга оид чоратадбирлар белгилаб олинди.

Ҳисобот даврида биринчи босқичда 21 мингдан ортиқ фуқаролик ишлари кўрилиб, уларнинг 83,6 фоизида прокурор иштироки таъминланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясида кўрилган 316 та ишдан 74 таси, кассация инстанциясида кўрилган 323 та ишдан 129 таси бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Бу прокурорларнинг апелляция протести келтириш самарадорлиги 90,5 фоизни, кассация протести келтириш самарадорлиги эса 93 фоизни ташкил қилишини кўрсатади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2006 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Х.Йўлдошевнинг У.Обидовадан мулкни ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

ФПКнинг 314-моддаси талабига кўра, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирда ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор бекор қилинади. Шунга мувофиқ, У.Обидова суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмай, иш унинг иштирокисиз кўрилганлиги ва бошқа процессуал қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги боис Чирчиқ шаҳар прокурорининг кассация протести фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2006 йил 8 сентябрдаги ажрими билан қаноатлантирилган ва ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўришга юборилган.

Фуқаролик ҳуқуқий воситаларидан фойдаланган ҳолда келтирилган зарарни ундириш борасида асосий эътибор фуқаролар, жумладан, вояга етмаганларнинг манфаатини ҳимоялашга, бола тарбияси билан шуғулланмаётган фуқароларни отаоналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва меҳнат муносабатларидаги қонунбузилишлар оқибатида келиб чиққан зарарларни ундиришга қаратилмоқда. Бу борада етказилган зарарларни ундириш юзасидан судларга 4,7 млрд. сўмлик 3100 та даъво аризаси киритилган. Шу кунга қадар бу маблағларнинг 2,1 млрд. сўми ёки 86,7 фоизини ундиришга эришилди.

Судга даъво берилганидан сўнг зарар ихтиёрий равишда қопланганлиги сабабли 1,3 млрд. сўмлик 211 та даъво иш юритишдан тугатилган.

Амалдаги қонунчиликда иш берувчи, молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган муддатларда тўлаши шартлиги қайд этилган. Лекин, вилоятдаги айрим корхона ва ташкилотларда бу борадаги қонунбузилишлар натижасида етказилган зарарни ундириш тўғрисида 3,7 млрд. сўмлик даъво қўзғатилиб, шундан 1,7 млрд. сўмлиги ёки 88,7 фоизини ундиришга эришилди.

Шу билан бирга, ўз мажбуриятини бажаришдан бош тортаётган фуқароларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан 66 та даъво қўзғатилди, уларнинг судда кўрилганларидан 49 таси бўйича даъвони қаноатлантириш хусусида ҳал қилув қарорлари чиқарилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўтган йилги фаолият таҳлилидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суд қарорларини апелляция муддатида атрофлича ўрганиб, ноқонуний қарорларни қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўришга эътибор қаратилди.

А.ҚОДИРОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Саёқ юрсанг...

Халқ орасида «Саёқ юрган таёқ ер» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Бирон тайинли ишнинг бошини тутмай, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрган одамнинг бир куни тақ этиб боши деворга урилиши турган гап. Аванбоғ қишлоғида туғилиб ўсган Самандар Мўминовнинг қилмишлари бунга мисол бўла олади. Эндигина 26 ёшга кирган навқирон йигит икки марта судланиб, қамалишга улгурди.

У жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2001 йил 27 ноябрдаги ҳукми билан 8 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилганди. Лекин Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 22 август ва 2002 йил 3 декабр кунги амнистия тўғрисидаги фармонларига асосан унинг жазо муддати қисқартирилди. Ниҳоят Президентимизнинг 2003 йил 1 декабрдаги фармонига биноан С.Мўминов озодликка чиқди. Аммо Самандар ўша саёқлигини давом эттираверди. Ота-онасининг насиҳатлари кор қилмади. Аксинча, аразлаб ота уйидан кетиб қолди, мактаб ҳовлисида ётиб юрди. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув деганларидек, Самандар тирикчилик ташвишини ўйлаб боши қотди. Энди отаси ҳам қарашмай қўйди. Ишламаган одам пулни қаердан олади? У Ғузор шаҳрига етиб келганида ҳам пул топиш ҳақида ўйларди. Дадиллик учун бор пулига ароқ олиб ичди ва «ўлжа» излай бошлади. Мустақиллик кўчасидаги «Хўжагузар-Реал» МЧЖга қарашли дўкон олдидан ўтаётиб, қатор териб қўйилган хилмахил телефон аппаратларини кўриб кўзлари ўйнаб кетди. «Бу телефонларнинг бозори чаққон бўлса керак» деган фикр хаёлидан ўтди. Дўконнинг ён томонидаги дераза панжараси омонатдек туюлди ва нималарнидир чамалаб кўйди. Кун ботганидан сўнг ғира-шира қоронғу пайти дўкон олдига қайтиб келди ва «режаси»ни амалга оширди. Темир панжарани бузиб, дарча орқали дўконга кирди ва қўлига илашган телефон аппаратлари, шунингдек, бошқа нарсаларни кўтарганча жуфтакни рослади. Самандар дўкондан ўмарган нарсаларнинг баҳоси 750 минг сўм эди.

Самандар ўғирлик молларни Қаршидаги янги бозорда арзонгаровга сотиб, пулини ишлатиб юборди. Машҳур файласуф Цицерон «Жиноят содир этишнинг катта васвасаси жазоланмай қолишга умидворликдир» деганда юз карра ҳақ эди. Ана шу васваса Самандарни яна жиноятга етаклади. Жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг 2007 йил 12 январдаги ҳукми билан Самандар Мўминов 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Самандарнинг аянчли қисмати бошқаларга ибрат бўлиши керак.

М.БАРАТОВ,
Ғузор туман прокурори

БАҲОР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Саноқли кунлардан сўнг юртимизда баҳор бошланади. Ҳақиқий деҳқон кишда ҳам тинмайди. Ариқ ва зовурларни тозалаб, дов-дарахтларга шакл беради. Мирзачўлда кузги-қишки мавсумда 55.576 метр узунликдаги бетон ариқлар тозаланиб, таъмирланди. Энди деҳқонлар улардан тўлиқ фойдаланишлари мумкин. Бироқ сувдан фойдаланишда адолат бўлиши керак.

Ҳар бир фермер ер ҳисобига қараб сув билан таъминланиши лозим. Лекин баъзи фермерлар ўз ҳудудидан ўтадиган лотокларни тешиб, сувдан ноқонуний фойдаланишга ҳаракат қилади. Жумладан, «Саврук» фермер хўжалиги раҳбари А.Тўхтаев ҳудудидаги лотоқларни таъмирлаш ўрнига, бетон ариқларни тешиб, сувдан ноқонуний фойдаланиб келган.

Кўпчилик яхши билади, туманимиз вилоятнинг чўл қисмида жойлашган. Шунинг учун ҳар томчи сув зарга тенг. Шундай экан, сувдан фойдаланишда тежамкорликка эътибор қаратишимиз шарт.

Бугунги деҳқонни техникасиз тасаввур қилиш қийин. Тажрибали деҳқонлар қишда техникасини баҳорги ишларга тайёрлайди. Бироқ ҳамма деҳқонлар ҳам шундаймикан? Бу борада қандай муаммолар бор? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида туман прокуратураси қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда баҳорги ишларга тайёргарлиги юзасидан текширув ўтказди.

Текширишда туман «Машина трактор парки» АЖ «Магнум» тракторлари операторлари ҳамда баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари техникаларни мавсумга тайёрлаш борасида сусткашликка йўл қўяётганлиги аниқланди. Бундан ташқари бир нечта фермерлар ихтиёридаги тракторларни ўз вақтида давлат техника назорати рўйхатига киритмасдан, тегишли номер ва техник талон олмасдан фойдаланиб келаётганликлари маълум бўлди.

Жумладан, «Алсейт» фермер хўжалиги раҳбари А.Байларов фермер хўжалигига тегишли «ТТЗ-80-10» тракторидан 2005 йилдан буён фойдаланиб келган. Бироқ уни ўз вақтида давлат техника назорати рўйхатига киритмаган.

«Гулшода-Ҳилола», «Даллер», «Санжар» фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам юқоридаги каби қонунбузилишга йўл қўйганлиги аниқланди.

Б.ОРОЛОВ,
Мирзачўл туман прокурори

Суратда: туман прокурори навбатдаги йиғилишни ўтказмоқда

МИСҚОЛЛАБ ТОПИЛГАН ОБРЎ

Ишнинг кўзини биладиган раҳбар «узоқни кўра оладиган бошлиқ» дея таърифланади. Аксинча, ходимларнинг муаммоларини бир чеккага суриб қўйиб, шахсий манфаати йўлида мансабини суиистеъмол қиладиган раҳбарга қандай баҳо берилишини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Мисқоллаб топилган обрўнинг ботмонлаб йўқотилиши кишига жуда оғир ботади. Буни Ромитан туманидаги 27-автокорхона раҳбари Раҳим Қурбонов мисолида ҳам кўриш мумкин. У бу мансабга осонгина эришгани йўқ. Фаолиятини ҳайдовчиликдан бошлаб, ҳалол меҳнати эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилганини ҳамма билади.

Кунлардан бирида корхона ҳайдовчиси Руҳилло Қаҳҳоров раҳбарнинг қабулига киради. Ўзи ҳайдаб юрган «МАЗ-5549» машинасини сотиб олмоқчи эканлигини айтиб, маслаҳат сўрайди.

—Майли, мен розиман. Ариза ёзинг. Машинанинг бозор нархи беш-олти миллион сўм туради. Сиз бегона эмассиз. 2 миллион берсангиз бўлди, — дейди Р.Қурбонов.

Корхона раҳбари бу таклифни бош ҳисобчи Умар Усмоновга билдирар экан, ҳайдовчи Р.Қаҳҳоровнинг корхонадаги улуши, машинанинг баланс қийматини аниқлаб олди. Сўнг Р.Қаҳҳоровнинг 123 минг сўм (0,3 фоиз) улуши ҳамда автомобилнинг 90 минг сўм баланс баҳосини қўшиб, машинани 213 минг сўмга нархлашди. Шу асосда ҳужжатлар расмийлаштирилди. Энди Р.Қаҳҳоровдан 2 миллион сўмни санаб олишса бўлди. Аммо...

Р.Қаҳҳоров ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўраб Бухоро вилоят МХХ бошқармасига мурожаат қилганидан сўнг олғирлар жазога тортилди.

Терговда Р.Қурбонов ноқонуний ҳаракатини шундай изоҳлайди: «...Машинани бериш учун ҳақиқатан ҳам ҳужжатлар лойиҳаси тузилиб, унинг нархи 213 минг сўм миқдорида кўрсатилди. Шундан 90 минг сўми корхона балансига кирим қилинарди. Р.Қаҳҳоровдан олган 2 млн. 400 минг сўм пулни корхона эҳтиёжлари учун ишлатмоқчи эдик».

Гарчи Р.Қурбонов айбига тўла иқрор бўлмаган бўлса-да, Р.Қаҳҳоровдан 2 млн. сўмни пора тариқасида олганлиги исботланди.

Текширишда яна қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, корхона мутасаддилари 3 млн. 739 минг 500 сўмлик солиқни ДСИга топширган ҳисоботларида яшириб келганлар. Бундан ташқари Р.Қурбонов билан «ҳамкорликда» ишлаган укаси, «Қурбон-Низом» фирмаси раҳбари А.Қурбоновнинг фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Мазкур автокорхона тумандаги 191-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна билан 2005 йил 3 январ куни хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома тузади.

Келишилган хизмат кўрсатилди. Бу вақтда автокорхонанинг ҳисоб-рақами солиқдан қарздорлиги боис инкассага қўйилган эди. Шу боис 191-ХКМК тўлаши лозим бўлган 4 млн. 800 минг сўм автокорхонанинг 44-мурожаат хатига асосан «Қурбон-Низом» фирмаси ҳисоб-рақамига ўтказилади. Шу йўсинда 2003—2005-йиллари автокорхонадан фирмага келиб тушган 5 млн. 690 минг сўм пул назорат-касса машинасидан ҳам ўтказилмади, банкка ҳам топширилмади.

Фирма раҳбари Аъзам Қурбонов бу билан чекланиб қолмай, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил декабрда қабул қилинган «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида»ги, 2001 йил июнда қабул қилинган «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабига зид равишда иш юритади. Яъни, кўрсатилган хизматлар эвазига пул кўчириш ва нақд пул шаклида тушган 30 млн. 611 минг 800 сўм пулдан 15 млн. 342 минг сўмини назорат-касса машинасига кирим ҳам қилмайди, банкка ҳам топширмайди. Ўтган йилнинг 9 ойи бўйича ДСИга топширган ҳисоботларида даромадларини камайтириб кўрсатиб, 1 млн. 510 минг 700 сўмлик солиқларни тўламайди.

Пушаймон хатони тузатмайди. Аммо бу хато Р.Қурбонов, У.Усмонов, А.Қурбоновлар учун сабоқ бўлиб қолса ажабмас.

Азамат АМРУЛЛАЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси терговчиси
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

«Huquq»қа жавоб келди

Ҳисоб-китоб қилинди

Тўрткўл енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчи ва ўқитувчиларининг таҳририятга «Жан уя» ва «Таганбай Азамат» фермер хўжалигидан 2005 йилда терилган пахта пулини олишда ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Текширишда ҳақиқатан ҳам «Жан уя» фермер хўжалиги 365 кг., «Таганбай Азамат» фермер хўжалиги 859 кг. пахта пулини тўламаганлиги аниқланди. Ушбу қарздорлик бўйича ҳисоб-китоб масаласи билан шу пайттача ҳеч ким қизиқмаганлиги сабабли ҳақ тўланмай қолиб кетган. Текшириш давомида «Жан уя» фермер хўжалиги 18 минг 200 сўм, «Таганбай Азамат» фермер хўжалиги 42 минг сўмни аризачиларга тўлиқ тўлашди.

М.ҚУРБОНБОЕВ,
Тўрткўл туман прокурори

Миннатдорчилик

Ҳақимни ундиришга ёрдам берди

«Асака дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ корхонага 74 тонна буғдой топширдим. Маҳсулот ҳақи 7 кун мобайнида тўланиши керак эди. Бироқ, жамият маъмурияти мажбуриятини адо этмади, тўловни ортга сураверди. Андижон вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилдим. Суд даъвогар билан жавобгар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлаб, корхонадан фермер хўжалигимиз фойдасига 2 млн. 371 минг сўм ундириш хусусида ажрим чиқарди. Лекин корхона маъмурияти ажримни ижро этишни ҳам пайсалга солаверди. Ниҳоят, 2006 йил сентябр ойи бошларида туман прокурорига ёрдам сўраб ариза ёздим. Прокуратура аралашуви билан корхона 32 тонна кепак берди. Кеч бўлса-да, ҳақимни ундиришда ёрдам берган туман прокуратураси ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Х.МЎМИНОВ,
Асака туманидаги «Янги тадбир» фермер хўжалиги раҳбари

Февраль ойида таҳририят 24 та хат олди.

Қарор бекор қилинди

Пастдарғом туман ҳокимлиги фуқаро Г.Омонованинг таҳририятга ёзган шикоят хатини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Аризада Г.Омонова собиқ турмуш ўртоғи А.Ботиров билан биргаликда яшаган даврида қурган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб, ҳисса ундириб беришни сўраган.

Туман ҳокимининг 2005 йил 22 апрелдаги ушбу уйни мутаҳассислар йўл қўйган камчиликлар оқибатида Г.Омонованинг қайнонаси Ш.Ўроловга номига расмийлаштириб бериш ҳақидаги 486к-қарори бекор қилинди.

Аризачига уй-жойдан ҳисса ундириб олиш учун судга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилди.

У.НАЗАРОВ,
Пастдарғом туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Сиз нима дейсиз?

Назорат фақат йигитларгами?

Ассалому алайкум, «Huquq» газетаси таҳририяти!

Биз ўқиётган Тошкент молия институтида дарсга киришдан олдин деканат нозирлари ўғил болаларнинг галстук тақкан ёки тақмаганлигини текшириб чиқади. Галстук тақмай келган талаба институт биносига киритилмайди. Бу каби назорат дарс давомида ҳам такрорланади. Биз бундан норози эмасмиз. Аммо шу каби тартиб қизларга нисбатан ҳам жорий этилса яхши бўларди. Негаки, қизларнинг беҳаё кийинишларига, масалан, қорни очиқ, тор шим ёки тиззадан анча юқори кийимларда юришига ҳеч ким индамайди. Ўқув муассасаларидаги кийиниш маданиятини атрофлича кўриб чиқиш вақти келмадими?

А.ХАМДАМОВ,
Ф.ҚОБИЛОВ, Д.СОИПОВ,
Тошкент молия институти талабалари

Муштарий минбари

Интернетдан топилган «бахт»

Бугунги ёшларимиз мустақил бўлишни, муаммоларини ўзлари ҳал қилишни хоҳлашади. Ўн беш-ўн олти ёшдан ўтишдими, танбеҳ эшитиш уларга бироз оғир ботадиган бўлиб қолади. Йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлсангиз, «Нима, мен ёш боламанми?» дея гап қайтаришади. Тўғри, улар бу ёшдан кейин кичик ҳисобланишмайди, аммо катта бўлиш учун ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлишлари кераклигини унутиб қўйишади.

Яқинда бир дугонам турмушга чиқди. Уни Самарқандга узатишди. Жовдираган кўзларида халқаланган ёшларни кўриб, қалбида кечаётган дардларини сезгандай бўлдим. Негаки...

Ёз кунларининг бирида эшик қўнғироғи чалинди — дугонам келган экан. Уйга таклиф қиларканман, «Ўзи зерикиб ўтиргандим, келганинг яхши бўлди» дедим. Бир-биримизга гал бермай суҳбатлаша кетдик. Ўшанда у интернет орқали бир йигит билан танишганини, у ажойиб инсон эканлигини айтди. «Ҳар куни уч-тўрт соатлаб гаплашаяпмиз. Унга шунчалик боғланиб қолдимки, ҳозир телефон орқали ҳам гаплашадиган бўлдик. Аввалига муносабатимиз дўстона бошланганди, энди эса ниятимиз жиддий — оила қуриш. Аммо ота-онамизга буни қандай тушунтиришни билмаяпмиз, чунки бошқа-бошқа шаҳарларда яшаймиз», — деди. Шунчалик тез қарор қабул қилганлиги менга ёқмади.

— Бу мавзуга ўтишга бироз эртароқ эмасми, юзма-юз кўришмаган бўлсангиз?.. Учрашгач, бир-бирингизни ёқтирмай қолсангиз нима бўлади? Бунинг устига танишиш услубингиз менга ҳечам ёқмади, — десам, гапларимга у эътироз билдирди.

— Менимча инсоннинг кўриниши унчалик аҳамиятли эмас, асосийси унинг ички дунёси. Танишишимизга келсак, ҳозир бу энг замонавий усуллардан, бизнинг домдаги Ира ҳам интернет орқали танишганди, ҳозир Америкада яшаяпти.

— Сен ўша Иранинг қандай яшаётганини билмайсан-ку. Яхшиси, олдин у билан учраш, сенга дугоналик маслаҳатим шу, — дедим жиддий оҳангда.

Суҳбатимиздан сўнг дугонам йигит билан учрашишга қарор қилди. Илк учрашувдаёқ йигит унга ёқмади. Ғойибдан қилинган суҳбатлар-у дил изҳорлари кишининг ички оламини очиб беролмаслигига унинг ўзи амин бўлди. Йигит эса чиндан ҳам қизни севиб қолганди. Қиз нима қиларини билмасди, фақат ота-онаси йигитнинг узоқдан эканлиги сабаб тўйга рози бўлмаслигидан умидвор эди. Бироқ ота-она қизининг «севги»сига қарши чиққиси келмади. Қизларига бахт тилашди, кафтлар юзга сурилди...

Сайёра МУСТАФОЕВА,
Тошкент шаҳри

Ҳаёт чорраҳаларида

ЭЗГУЛИК ЭЗГУЛИККА БОШЛАЙДИ

Ҳаётда инсофли, диёнатли инсонлар жуда кўп. Шундайларни кўрганингда, улар билан суҳбатлашганингда бу олам фақат яхшилардан иборат деб ўйлайсан. Бироқ...

Яқинда ишхонамизда шундай воқеага дуч келдим. Эрталаб ишга келсам, ҳамкасбим Мақсуда опа хафароқ кўринди. Чунки опахон биров билан кўришса, одатда очиқ чеҳра билан қуюқ сўрашар эди. «Нима бўлди экан? — хаёлан савол берардим ўзимга. — Фарзандларидан бирортаси ножўя иш қилиб қўйдимикан? Йўғ-э, ҳаммаси ақлли, ўқимишли болалар-ку. Биладиганлар уларга ҳавас қилишади».

Ишнинг ярим куни ўтса-да, опа ҳеч кимга чурқ этмасди. Ниҳоят туш бўлди. Шунда опахондан хафалигининг сабабини сўрадим. У киши энди бироз хотиржам эди. Шунинг учун сал очилиб, гап бошлади.

— Эрталаб ишга отланиб турсам, маршрутка тўлиб бўлганлиги боис тўхтамай ўтди. Автобусдан эса ҳамон дарак йўқ эди. Ниҳоят, менга керакли яна бир маршрутка кўринди. «Яхши бўлди-да, ишга кечикмай борадиган бўлдим», — деб хурсанд ҳолда унга чиқдим.

— Опа, орқа ўриндиққа бориб ўтиринг, — дея пул терувчи йигитча жой кўрсатди.

У айтган ўринга жойлашдим. Бироз юрганимиздан сўнг олд ўриндиқдаги иккита жой бўшади. Машинанинг орқа ўриндиғи ёнидаги ойналарни очиш имкони йўқ. Транспортларимиз газга мослаштирилган эмасми, ҳайдовчининг бу масалага эътиборсизлиги сабаб газ ҳиди салонни қоплаганди. Ҳидга чидаёлмай кўнглим беҳузур бўла бошлади. Имкон туғилиши билан эшик олдидаги икки кишилик ўриндиққа кўчдим. Кейинги бекат гавжум экан. Машина тўхташи билан ўнтача йўловчи уловга чиқди. Улардан тўрттаси ҳар жой-ҳар жойга тиқилиб бўлсада, ўрнашишди. Олтитаси эса бошини ҳам қилганча, эгилиб ўтирғичларга таяниб олишди. Мен ўтирган икки кишилик жойда яна бир аёл бор эди. Ниҳоят, паттачи йигит: «Опалар, иккаланг қисилинг, шу одам ўтирсин!», — дея бир барзангидек йигитга ўртамизга ўтиришни буюрди. У эса бу жойга сиғмасди. Сал кичикроқ жуссали аёл бўлганда-ку, сиғишиб олиш мумкин эди, аммо... — Яхшиси, мен турақолай, укажон. Сиз бу ерга сиғмайсиз, — дедим. У эса мени тик қўйиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, «йўқ» ишорасини қилганча тураверди.

Бу ҳолатни кўрган паттачи йигитча (у кичик ўғлимдан ҳам кичик эди):

— Э, хола, ўтиринг, бошни қотирманг. Бемалол сиғасизлар, тўрт киши кетади бу жойга, — дея қўлини шоп қилганча мени ўтиришга даъват этди. Бунинг иложи йўқлигини айтдим. Йўловчи йигит эса сиғмаслигини билиб, машинадан тушиш учун тараддудланди. Бу эса бир киши ўрнига икки йўловчини олишга одатланган паттачига ҳам, ҳайдовчига ҳам ёқмади.

— Ўтиринг, қаёққа, нимага тушасиз, ака?! — йўловчининг йўлини тўсди паттачи ва асабийлашганча менга қараб:

— Хола, аввал орқада ўтирган эдингиз, кўтарганча йигитчанинг юзига тарсаки тортмоққа чоғланиб ўрнимдан турдим.

— Нима деяпсан, тирранча!? Қонунқоидага амал қил! Менинг ўрнимга ўзингнинг онангни қўйиб кўр-чи, чидайсанми?! Оғзингни йиғиштир. Сениям инсон, она тарбиялаганми ўзи? Лаънат сендай болага!..

Рўпарамда ўтирган ёши каттароқ аёл қўлимдан тутди: «Дугонажон, қўйинг, асабийлашманг, ҳозирги ёшлар...».

— Ахир ноинсофлик ҳам шунчаликдирда, бир ўринга икки-уч кишини тиқиштиради...

— Беш бармоғингни оғзингга тиқма, ука, оғзинг йиртилади...

— Нафсга берилма, охири вой, — дейишди ҳар ёқдан йўловчилар.

Ҳайдовчи эса миқ этмай йўлида давом этар, паттачини тартибга чақириш эса хаёлига ҳам келмасди. Унинг қилаётган иши одамларга муносабатини кўрсатарди гўё.

Хуллас, паттачи қанчалик ҳаракат қилмасин, биз ўтирган икки кишилик ўриндиққа учинчи йўловчини ололмади. Лекин менинг ҳам, бошқа йўловчиларнинг ҳам кўнгли хира бўлди. Эрталаб ишга келган пайтимда сизларга йўлдаги нохушликни айтганимда йиғлаб юборишим тайин эди. Э-э, шунақа одамлар ҳам бор экан-да, — деди опахон кўз ёшлари қалқиган нигоҳларини четга олиб.

Биз унинг кўнгли қаттиқ ўксиганини дилдан ҳис этдик. Шунинг учун бундай нохуш ҳолат тўғрисида Бухоро шаҳар транспорт департаменти раҳбариятига билдирдик. Воқеа тафсилотини эшитган бошлиқ жуда ўнғайсиз ҳолга тушди. Эл-юрт учун астойдил хизмат қилаётган корхона раҳбари ва унинг муовинлари қаёқдаги бир тарбиясиз йигитнинг ёки одамларга бепарво ҳайдовчининг айби билан дакки эшитса... Йўқ, у буни ҳазм қилолмади. Кутганимиздек бўлди. Ўша куни тушдан сўнг ҳайдовчи ҳам, ўша паттачи йигитча ҳам келиб, опахонимиздан узр сўради. Эгилган бошни қилич кесмас экан.

Бироқ бугунги кунда ҳам Бухорода аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас. Маршрутли таксилар етишмаслиги боис автобуслар тирбанд. Яна юқоридаги каби воқеа содир бўлмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Лола МАНСУРОВА,
журналист

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилар экан, қалбга ғурур бағишлайдиган далилларни келтириб ўтди.

Ўтган йил якунларини таҳлил этадиган бўлсак, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,8 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга ўсган. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ташқи иқтисодий фаолиятнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистоннинг товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалиги негизида 74 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу ютуқларда жиззахликларнинг ҳам муносиб улуши бор.

Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, вилоят прокуратураси органлари 2006 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва назорат ташкилотлари билан қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан прокурорлик назоратини ташкил қилиш, вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашни тўғри йўлга қўйишда ҳамкорликни кучайтирди.

Меҳнат ва бандлик, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши каби қонунлар ижроси юзасидан 30 та текшириш ўтказилиб, 739 та прокурор таъсир ҳужжатлари қўлланди. 7 млн. 840 минг сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди, 137 млн. 283 минг сўмлик зарарни ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилишлар бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-ўрта мактаб директори М.Абдувоҳидова мактабнинг 7 та ўқитувчи ва 3 та техник ходими номига ёзилган 1 млн. 145 минг 400 сўм иш ҳақини ўзлаштириб юборганлиги аниқланиб, туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида кўрилган чоралар ҳам самарасини берди. Жиззах шаҳридаги «Наргиза Бахтиёр қизи» хусусий фирмасига қарашли турғун савдо шахобчаларига солиқ ва банк идоралари бир кунлик нақд пул тушумини 1,7 млн. сўм қилиб белгилашган. Ушбу режа бажарилмай қолгани аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан тўпланган тезкор маълумотлар асосида фирма раҳбари К.Зоиров кундалик тушум бир неча баробар кўплиги ва бу пулларни фирманинг банкдаги ҳисоб-рақамига топшириш лозимлиги, акс ҳолда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилгандан сўнг фирма ҳар куни 17 млн. сўмдан нақд пулни банкка топширган.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги 58 та хўжалик юритувчи субъект солиқ идоралари мансабдорларининг вазифасига масъулият билан қарамаганлиги натижасида нақд пул топшириш дислокациясига киритилмасдан, бир неча йиллар давомида нақд пул топширмасдан келганлиги аниқланиб, шаҳар прокурори томонидан 2006 йил 14 декабр куни шаҳар солиқ инспекцияси мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилаяпти. Бундан ташқари, «Пахтабанк»нинг Жиззах шаҳар бўлими ходимлари омонатга 33,1 млн. сўм нақд пул қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қалбакилаштирганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда кичик бизнес субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларига ҳануз чек қўйилмаганлиги аниқланди. Жумладан, «Тадбиркорбанк»нинг Арнасой туман минибанкида ҳисобчи вазифасида ишлаб келган З.Бойназаров Р.Темировнинг «Зиё» фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидаги 909 минг 500 сўм пулини асоссиз равишда фуқаро Л.Маматованинг ҳисоб-рақамига ўтказиб, нақдлаштириб, талон-тарож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан охирги уч йил мобайнида иқтисодий ночор фермер хўжаликларини ҳомийликка олиш институтининг олиб борилиши самара бериб, вилоятимиз уч йил мобайнида ғалла ва пахта етиштириш режасини республикада биринчилардан бўлиб бажариб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан текширишлар сони 288 тани ташкил қилган. Етказилган 56,9 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий тўланиши таъминланиб, судларга қарзларни ундириш ҳақида 6 млрд. 995 млн. сўмлик 2366 та даъво аризаси киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 104 та жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Пахтакор туманидаги «Боғи замзам» фермер хўжалиги раҳбари Н.Абдусаматов давлат заҳирасидаги 16,9 га ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб, экин эккан. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Прокурорлар томонидан ўтган йили давлатга пахта сотиш юзасидан тузилган шартномасини бажармаган ҳамда таъминот, тайёрлов корхоналари ва банклардан катта миқдорда қарзи бўлган фермер хўжаликларига нисбатан қонуний чоралар кўрилаяпти.

Хусусан, Зомин туманидаги «Юлдуз-С» фермер хўжалиги раҳбари С.Сулаймонов 2006 йили 12,2 гектар ерда 23,2 тонна пахта етиштириш учун 37 млн. 951 минг сўмлик минерал ўғит ва ёнилғи олган бўлсада, шартномани бажаролмаган ва қарзларни тўлаш чорасини кўрмаган. Мазкур ҳолат бўйича унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши, улардан самарали фойдаланиш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинган. Масалан, Жиззах туманидаги «Олтинсой» агрохизмат марказида ўтказилган мониторингда бош муҳандис Х.Бердиев агрохизматнинг бошқа мансабдорлари билан тил бириктириб, 1 млн. 347 минг 100 сўмлик техникани ноқонуний равишда ҳисобдан чиқариб, талон-тарож қилган. Вилоят прокуратураси томонидан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг туманлардаги филиалларида ўтказилган текширишларда фермер хўжаликларига тарқатилиши лозим бўлган ўғитларнинг талон-тарож қилинганлиги, жумладан, Дўстлик филиали омбор мудири К.Хўжакелдиев 1 млн. 249 минг сўмлик аммиакли селитрани ўзлаштириб юборганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра судларга 2 млрд. 535 млн. 330 минг сўмлик 514 та даъво аризаси киритилган.

> ***!!! Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» АЖнинг туманлардаги филиалларида ўтказилган текширишларда фермер хўжаликларига тарқатилиши лозим бўлган ўғитларнинг талон-тарож қилинганлиги юзасидан судларга 2 млрд. 535 млн. 330 минг сўмлик 514 та даъво аризаси киритилди.***

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказиладиган текширишлар натижасида қўлланадиган прокурор назорати ҳужжатларидан намуналар» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 29-меҳрибонлик уйини капитал реконструкция қилиш юзасидан вилоят ҳокимлигига киритилган ахборотномага асосан «Республикада мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»га киритилиши ва ишлар 2006 йилда бошланиб, 2007 йилда тугалланиши белгиланган.

Бундан ташқари иккита мактабинтернат биносини капитал таъмирлаш сусткашлик билан олиб борилиши натижасида белгиланган муддатда топширилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат ўрганилиб тегишли таъсир чоралари қўлланиши натижасида жорий йилнинг январ ойида тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши таъминланди.

«Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли Дўстлик пахта тозалаш корхонаси мансабдорлари Дўстлик ва Мирзачўл туманларидаги фермер хўжаликлари раҳбарларига 2005 йили пахта тайёрлаш режасини бажариш мақсадида 5 минг 996 тонна пахтани 949 млн. 909 минг сўмга сотганлиги аниқланди. Корхонанинг 25 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахсига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилди. Дастлабки терговда айбдорлардан давлатга етказилган 949 млн. 909 минг сўмлик зарар тўлиқ ундирилди.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашга доимий эътибор қаратилиб, бу борада ҳам муайян ишлар қилинган. Жиноят ишлари бўйича вилоят судларида кўрилган 1938 та жиноят ишининг барчасида прокурорлар қатнашишган.

Прокурорлар томонидан ғайриқонуний суд қарорларига апелляция протести келтириш самарадорлиги ўтган йилга нисбатан 0,2 фоиз яхшиланиб, 94,2 фоизни ташкил қилган.

Вилоят прокуратураси томонидан ҳудуддаги қонунчилик аҳволидан келиб чиққан ҳолда тўлов интизоми, мажбурий тўловларни ундиришга доир шартномалар бўйича ва давлат манфаатини кўзлаб даъво қўзғатиш амалиётига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тўлов интизоми юзасидан вилоят хўжалик судига 6 млрд. 952 млн. 48 минг сўмлик 2022 та даъво аризаси киритилиб, шундан 6 млрд 95 млн. 336 минг сўмлик 1962 таси қаноатлантирилган. 60 та даъво бўйича тарафлар ўртасида ишни судда кўриш мобайнида ҳисоб-китоб амалга оширилганлиги учун иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, давлат манфаатларини кўзлаб киритилган 1 млрд. 429 млн. сўмлик 686 та даъво аризасидан 858 млн. 317 минг сўмлик 679 таси кўрилиб, қаноатлантирилган.

Вилоят прокуратураси органларига фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб ҳал этишда қонун талабларига риоя этилган. Ҳисобот даврида келиб тушган 3194 та ариза ва шикоятнинг 1584 таси прокуратура органлари томонидан ҳал этилган ва улардан 248 таси қаноатлантирилган.

Прокурорлар томонидан қабул қилинганлар сони 2369 нафарни ташкил этиб, фуқароларга қонуний ҳуқуқлари тушунтирилган. Бевосита меҳнат жамоалари ва яшаш жойларида 1499 та фуқаро қабул қилинган.

Ҳуқуқий тарғибот борасида ўтказилган тадбирлар сони 2005 йилдагига нисбатан 4870 тадан 5045 тага ошган. Асосий эътибор оммавий ахборот воситаларида чиқишга қаратилган.

С.ШЕРНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари

Рангли металл — юрт бойлиги

Бир неча йил олдин республикамизнинг чекка қишлоқларида бўлган киши «кеча фалончининг даладаги қозонини ўғирлашибди» ёки «фалон жойдаги электр симларини қирқиб кетишибди» деган гапларни эшитарди. Бу ҳолат ҳозирги кунда шаҳарга ҳам кўчиб, кишилар айрим жойларда кесиб кетилган телефон симлари ёки корхона ва заводлардан ташиб кетилаётган рангли металл ва буюмлар ҳақида гапиришмоқда.

Албатта, бу гаплар замирида жамоа ва фуқаро манфаатига етказилаётган зарар ётибди. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли тадбирлар ўтказиб, қонунбузарларнинг фаолиятига чек қўйишмоқда. Бу яхши, лекин ўғирланган маҳсулотларни фуқароларимиз бошқа давлатларга сотиши ватанга, юртга хиёнат билан тенг.

Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 18 июлдаги «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган қўшма тадбирлар дастурига мувофиқ Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан жойларда ташкил этилган гуруҳлар таркибида рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-тарож қилиш, контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳолларига барҳам бериш борасида тезкор таҳлилий ва қидирув ишларини ўтказмоқда.

Мазкур йўналишда 2006 йили 19 та қонунбузарлик аниқланиб, 12 та жиноят иши қўзғатилди. 7 киши маъмурий жавобгарликка тортилиб, ҳуқуқбузарлардан 20 млн. 600 минг сўмлик рангли металл парчалари ва бошқа маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жумладан Андижон туманида ўтказилган тадбирда фуқаро Ф.Исмоилов, С.Раҳмонов, Р.Қосимов ва О.Бойназаровлар газ тармоғига ноқонуний уланган ҳолда хонадонларнинг бирида алюминий буюмларини эритиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги ва шу тарзда туман газ идорасига 274 минг 700 сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бухоро вилояти Вобкент туманида ўтказилган тадбирда 20 L 5663 рақамли юк машинаси тўхтатилиб кўздан кечирилганда, унда фуқаро Ж.Ҳамроевга тегишли, тумандаги «Вобкенттекс» МЧЖдан сотиб олинган 1 млн. 300 минг сўмлик рангли металлар борлиги маълум бўлди. Текширишда шунингдек, «Вобкенттекс»нинг мансабдорлари бу маҳсулотлар сотувидан тушган пулни банкка топширмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Металл парчаларини ноқонуний равишда сотиш ҳолларига барҳам бериш юзасидан ИИВ ходимлари билан ҳамкорликда йўлпатрул постларида ҳам қўшма тадбирлар ўтказилаяпти. Масалан, Қарши шаҳри ҳудудида Қарши-Тошкент йўналиши бўйича кетаётган 18 О 7600 рақамли автобус тўхтатилиб текширилганда, унда фуқаро М.Маҳмудова 427 минг сўмлик рангли металл парчаларини сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан маъмурий иш қўзғатилиб, суд М.Маҳмудовага жарима солди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг масъул ходими

Ҳафталик теледастурлар

Сиқиқ TV

2007-yil 22-fevral, № 08 (529)

Моҳият

Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

26-fevral, Dushanba

07.00-15.00 ПРОФИЛАКТИКА
15.00, 18.00 «Премьера» (узб)
15.30, 21.00 Узбек наволари
16.00, 19.00 «Премьера» (рус)
16.30 «Сайилгох»
16.45, 17.30, 20.30 Мировые хиты
17.00 «Судьбы-Тақдирлар»
18.30 «Кулинар фантазиялари»
19.30 Сериал «ОХОТА НА ИЗЮБРЯ» 3-сер.
22.00 «ДНЕВНИК БРИДЖИТ ДЖОНС» худ.фильм
00.00 Миксер

27-fevral, Seshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.30, 16.20, 17.45
18.10, 20.25 Узбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10, 13.00, 14.40, 15.45, 21.30 Мировые хиты
09.00 Сериал «Охота на Изюбря»
10.00 «Премьера» (узб.)
11.00 Комедия «Дневник Бриджит Джонс»
15.00 Теленяня
17.00 «Топ-20»
19.10 Сериал «ОХОТА НА ИЗЮБРЯ» 4-сер.
20.10 «Сайилгох»
21.00 «Великолепная семёрка»
22.00 «ДНЕВНИК БРИДЖИТ ДЖОНС-2» Худ.фильм
00.00 Миксер

28-fevral, Chorshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.30, 14.10, 16.15, 20.10 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан.
08.50, 10.00, 13.00, 14.40, 15.45, 17.45, 18.40, 21.30 Мировые хиты
09.00 Сериал «Охота на Изюбря» 4-сер.
11.00 «Дневник Бриджит Джонс» худ.фильм
13.40 «Юлдузли пайшанба»
15.00 Теленяня
16.00 «Сайилгох»
18.10 «Кулинар фантазиялари»
19.10 Сериал «ОХОТА НА ИЗЮБРЯ» 5-сер.
21.00«Миссия неповторима»
22.00 Киноколлекция «БЕЛЫЕ ВОЛКИ»
00.00 Миксер

1-mart, Payshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 08.25, 10.30, 13.40, 18.10, 21.30 Узбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Сайилгох»
09.00 Сериал «Охота на Изюбря» 5-сер.
10.00, 13.00, 14.40, 15.45, 17.30 Мировые хиты
11.00 Киноколлекция «Белые волки»
15.00 Теленяня
17.00 «Великолепная семёрка»
19.10 Сериал «ОХОТА НА ИЗЮБРЯ» 6-сер.
20.10 «Спецрепортаж»
20.30 «Премьера» (узб.)
21.00 «Юлдузли пайшанба»
22.00«МЕДАЛЬОН» бадиий фильм
00.00 Миксер

2-mart, Juma

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.00, 13.40, 16.00, 18.10, 20.50, 21.45 Узбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Охота на Изюбря» 6-сер
11.00 «Медальон» бадиий фильм
13.00, 14.40, 15.45, 17.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
17.00 «Миссия неповторима»
19.10 Сериал «ОХОТА НА ИЗЮБРЯ» 7-сер.
20.10 «Сунмас орзулар»
21.00 «Премьера» (рус.)
21.30 «Сайилгох»
22.00 «БЕССМЕРТНЫЕ» худ.фильм
23.50 Миксер

3-mart, Shanba

07.00, 18.10 Марказ NEWS (узб)
07.10, 09.00, 09.45, 13.20, 17.00, 18.10, 21.40 Узбек наволари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 12.50, 14.30, 16.20 Мировые хиты
09.30 «Сайилгох»
11.00 «Бессмертные» худ.фильм
13.00 «Спецрепортаж»
14.00 «Премьера» (узб)
15.00 Теленяня
16.30 «Судьбы-Тақдирлар»
19.10 Концерт
21.00 «Навбат» Рашид Холиков билан.
22.00 Хинд киноси «СЕВГИДАН ВОЗ КЕЧМАЙДИЛАР»

4-mart, Yakshanba

07.00, Марказ NEWS (узб)
07.10, 14.00, 16.20, 17.00, 18.10, 18.45, Узбек наволари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Концерт
09.50, 10.40, 19.10 Мировые хиты
10.00 «Сунмас орзулар»
11.00 Хинд фильми «Севгидан воз кечмайдилар»
15.00 Теленяня
16.30 «Премьера» (рус)
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 «Сайилгох»
20.00 Узбек наволари
21.00 «Топ-20»
21.45 Мировые хиты
22.00 Кино-SMS:
1. «ВСЕ ИЛИ НИЧЕГО»
2. «МАЛЕНЬКАЯ ЧЕРНАЯ КНИЖКА»
3. «АНГЕЛ А»
00.00 Миксер

КАМАЛАК канали ҳафталик дастури

26-fevral, Dushanba

12.00, 14.15, 15.55 Клип минутка
12.20, 16.15 Ералаш
12.40 Мультфильм «Анастасия»
14.35 Х.ф. «Дети шпионов»
16.35, 19.05, 21.20 Музыкальная дорожка
17.15 Х.ф. «Форсаж»
19.45 Х.ф. «Бар гадкий кайот»
22.00 Х.ф. «Леон»

27-fevral, Seshanba

12.00, 14.10, 15.55 Клип минутка
12.20, 16.15 Ералаш
12.40 Мультфильм «Роботы»
14.30 Х.ф. «Белое солнце пустыни»
16.35, 18.35, 21.15 Музыкальная дорожка
17.15 Х.ф. «Должники»
19.15 Х.ф. «В джазе только девушки»
21.55 Х.ф. «Широко шагая»
23.20 «На ночь глядя» музыкальная программа

28-fevral, Chorshanba

12.00, 14.05, 15.30 Клип минутка
12.20, 15.50 Ералаш
12.40 М.ф. «Волшебный меч»
14.25 Х.ф. «Буратино»
16.10, 18.20, 20.30 Музыкальная дорожка
16.50 Х.ф. «Блондинка в законе»
19.00 Х.ф. «Васаби»
21.10 Х.ф. «Осторожно двери закрываются»
22.45 Х.ф. «Универсальный солдат 2»

1-mart, Payshanba

12.00, 14.05, 15.35 Клип минутка
12.20, 15.55 Ералаш
12.40 Мультфильм «Робин Гуд»
14.25 Х.ф. «Буратино»
16.15, 18.10, 20.55 Музыкальная дорожка
16.55 Х.ф. «Случайный шпион»
18.50 Х.ф. «Чего хотят женщины»
21.35 Х.ф. «Приманка»
23.20 «На ночь глядя» музыкальная программа

2-mart, Juma

12.00, 13.50, 15.40 Клип минутка
12.20, 16.00 Ералаш
12.40 Мультфильм «Симпсоны»
14.10 Х.ф. «Варвара краса длинная коса»
16.25, 18.50, 21.05 Музыкальная дорожка
17.00 Х.ф. «Автострада 60»
19.30 Х.ф. «Блеск»
21.45 Х.ф. «Ведьмак»

3-mart, Shanba

10.00, 12.05 Клип минутка
10.20, 15.25 Ералаш
10.40 Мультфильм «Стальной гигант»
12.25 Мультфильм «Тролль в центральном парке»
13.40 Рейтинговый фильм
15.45 Рейтинговый фильм
17.50, 20.20 Музыкальная дорожка
18.30 Х.ф. «Королевские тиненбаумы»
21.00 Х.ф. «Тельма и Луиза»
23.05 «На ночь глядя» музыкальная программа

4-mart, Yakshanba

10.00, 11.55 Клип минутка
10.20, 14.20, 15.50 Ералаш
10.40 Мультфильм «Коты аристократы»
12.15 М.ф. «Лило и Стич»
13.15 Рейтинговый фильм
14.40 Рейтинговый фильм
16.30, 19.10, 21.20 Музыкальная дорожка
17.10 Х.ф. «5 элемент»
19.50 Х.ф. «Опаздывать нельзя»
22.00 Видеобитва: 1. Адвокат дьявола, 2. В ловушке времени 3. Афёра Т.Крауна

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 10.30, 11.10, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Осмонўпар бинолар».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Сув париси». Мультсериал.
10.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.55, 13.55, 19.10, 20.50 Дунё иқлими.
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Мақом оқшоми».
11.40 «Одами эрсанг»
12.00 «Кампир топайми, дадажон?». М. Ўйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Наврўз оҳанглари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Инсон ва саломатлик».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.20 «Хоразмнинг нақшинкор кулолчилиги».
17.40 «Ватан туйғуси».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Ўзбекистон аёли».
18.30 Т/с «Ошин».
19.00 «Аҳло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с «Оила ришталари».
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 Т/с «Икки тақдир».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23, 5 даража бурчак остида».
23.25-23.40 Тунги наволар.

26-FEVRAL Dushanba

17.55 Дастур очилиши.
18.00 Сериал. «Анжелика».
18.30 Кўклам наволари.
18.45, 20.10 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 ДАВР.
19.30 Сериал «Ёмғир симфонияси» (Хитой).
20.15 Олис манзиллар.
20.30 2007 – Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
20.45 «Ибратли умр».
21.00 Анонс ва эълонлар.
21.15 Сериал «Муҳаббат дардлари».
22.30 Наво-SMS.
22.45 Саломея «Саломея».
00.10 - 00.15 Ватаним!

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/ф «Денгиз итлари».
13.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Навбаҳор».
13.50, 23.25 Эркин ва юнон рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин гран при турнири.
14.50 - 15.40 «Проф-РИНГ».
* * *
18.00 «Детский мир».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Розыгрыш».
21.30 «Талқин».
22.00 Х/ф «Мадмуазель Мушкетёр».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1

06.00, 10.00, 12.00 Новости.
06.10 Комедия «Обида».
07.50 «Армейский магазин».
08.30 М/с: «Дональд Дак представляет», «Ведьма».
09.20 «Умницы и умники».
10.20 «Непутевые заметки».
10.40 «Пока все дома».
11.30 «Ералаш».
12.10 Памяти Ю. Сенкевича.
13.15 «КВН-2007». Международный фестиваль в Сочи.
15.30 Комедия «Роман с камнем».
18.00 «Времена».
19.00 «Цирк со звездами».
21.00 Воскресное «Время».
21.50 Х/ф «Изображая жертву».
01.15 Триллер «Рука, качающая колыбель».
03.15 Детектив «Двойной удар».

РОССИЯ

06.05 Х/ф «Случай в квадрате 36-80».
07.30 «Студия Здоровье».
08.00, 11.00, 14.00 «Вести».
08.10, 11.10 «Местное время. Вести - Москва».
08.20 «Сельский час».
08.50 «Диалоги о животных».
09.20 Х/ф «У матросов нет вопросов!»
11.20 «Городок».
11.50 «Сам себе режиссер».
12.45 «Смехопанорама».
13.15 «Парламентский час».
14.20 «Фитиль №122».
15.05 «Честный детектив».
15.40 Юбилейный вечер Р. Паулса.
18.00 Т/с «Мастер и Маргарита».
20.00 «Вести недели».
21.00 «Специальный корреспондент».
21.25 Х/ф «Девять дней до весны».
23.20 Х/ф «Глубокое синее море».
02.25 Триллер «Проклятие».
03.20 Т/с «Встреча выпускников».
04.05 Канал «Евроньюс».

НТВ

05.15 Боевик «В осаде». (США).
06.55 М/ф «Приключения Буратино».
08.00, 10.00, 13.00, 16.00 «Сегодня».
08.15 Лотерея «Русское лото».
08.40 «Дикий мир с Т. Баженовым».
09.15 «Их нравы».
10.20 «Едим дома».
10.50 «Счастливый рейс».
11.45 «Top Gear».
12.20 «Авиаторы».
13.20 «Тридцатая глава».
13.55 Х/ф «Викинги». (США).
16.25 «Один день. Новая версия».
17.00 «Своя игра».
17.55 Т/с «Адвокат».
19.00 «Сегодня».
19.50 «Чистосердечное признание».
20.20 Чрезвычайное происшествие.
20.55 «Главный герой».
22.00 «Воскресный вечер с В. Соловьевым».
23.15 Детектив «Долорес Клэйборн». (США).
01.40 Т/с «Адвокат».
03.25 «Криминальная Россия».
04.20 Х/ф «Викинги». (США).

ТНТ

07.00 М/ф «Сармико».
07.25 М/с «Сказки о фее Амальке».
08.40, 01.00 Наши песни.
09.00, 19.00, 05.15 «САША + МАША».
09.30 «Такси» в Питере.
10.00 Триллер «Скрытая угроза».
12.00 М/ф «В стране невыученных уроков».
12.30 М/ф «Волшебное кольцо».
13.00 М/с «Охотники на драконов». 6-я серия.
13.30 М/с «Новая жизнь Рокко».
14.00 М/ф «По следам бременских музыкантов».
14.30, 21.00 «Дом-2.
15.30 Триллер «База Клейтон».
18.00 «Звезды против караоке».
19.30 Комедия «Женская лига».
20.00 «Битва экстрасенсов».
22.00 Комеди Клаб.
23.00 «Секс» с Анфисой Чеховой.
23.30 «Правила съема».
00.30 Реалити-шоу. Спецвключение «Дом-2. После заката».
01.25 «Дом-2.
02.20 К/с «Семейка Аддамс».
02.50 «Семейный кошмар»
04.35 «Цена любви». Документальный детектив.

ТВ

08.00 Российские мультфильмы.
08.30 Жизнь, полная радости.
09.00 Российские мультфильмы.
10.30 Х\ф «ИДЕАЛЬНАЯ ИГРУШКА».
12.30 Х\ф «СУПЕРПОЖАР».
16.00 Х\ф «АНГЕЛ МЕСТИ».
18.00 Х\ф «ДОБЛЕСТНЫЕ ВОИНЫ: ВОЗВРАЩЕНИЕ В ТАО».
20.00 Киномания.
21.00 Х\ф «ВЕЛИКАЯ ВОЙНА ГОБЛИНОВ». Япония, 2005.
23.30 Х\ф «ПАЦАНЫ ПРОТИВ ДЕВЧАТ». Великобритания, 2005.
01.00 Сериал «ЛЕЗВИЕ ВЕДЬМ».
02.00 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО» в правильном переводе Гоблина.
03.00 Х\ф «БЕЗ ИМЕНИ».
05.00 Х\ф «ФАЙЛ «ВЕКТОР».
07.00 Relaks.

DTV

09.00 Чемпионат анекдотов.
09.55 Тысяча мелочей.
10.25-12.20 М/ф.
12.20 Х/ф «За 80 дней вокруг света».
14.25, 04.00 Д/ф «Как уходили кумиры. М. Круг».
15.30 «Я выжил!»
16.25 Шоу российских рекордов.
17.30 Самое невероятное видео.
18.30 Самое смешное видео.
18.55, 06.45 Смешная реклама.

Милиция пунктида юз-кўзлари кўкарган бир йигит ўтирибди. Ундан сўрашди:
— Исм-фамилиянг, адресинг?
— Иван Петров, Москва кўчаси, 3-уй 10-квартира.
Бу гапдан кейин у ерга участкавойни жўнатишди. Бироздан кейин у қайтиб келиб, бу манзилда бундай одам яшамаслигини билдирди. Йигит яна қалтак остида қолди. Кейин тагин сўрашди:
— Адресингни айт. Бўлмаса ёмон бўлади.
— Москва кўчаси, 3-уй 10-квартира.
Биринчи гал адашгандир дея участкавойни яна ўша ёққа жўнатишди. У қайтиб келиб деди:
— У ерда бунақа одам турмас экан.
Йигитчадан ҳеч нарса унмаслигига кўзлари етиб, қўйиб юборишди. Юз-кўзлари кўкарган, уст-боши йиртилган йигитча уйига келганида остонада уни қўшниси кутиб олди:
— Ваня, ишларинг чатоқ, бугун ментлар икки марта келиб сени сўрашди. Мен уларга Иван Петров бу ерда яшамайди деб айтдим...

19.25 «Этот безумный мир».
19.55 Территория призраков.
20.55 Фабрика смеха.
22.00 Х/ф «Война Логана».
00.00 Т/с «C.S.I Место преступления. Майами».
02.00 Шоу рекордов Гиннеса.
03.00 Т/с «Следствие ведет Да Винчи».
04.45 Ночной клуб.
07.10 «Деньги с неба».
07.30 Музыка на ДТВ.

08.00 Х/ф «Белый клык».
09.20 М/ф «Золотая антилопа».
09.55 М/ф «Радужная рыбка».
10.20 М/с «Смешарики».
10.30 М/с «Просто Норман».
11.00 М/с «Улица Сезам».
11.30 М/с «Секретные материалы псов-шпионов».
12.00 Самый умный.
14.00 Жизнь прекрасна.
16.00 Снимите это немедленно.
17.00 Д/с «Мать и дочь».
18.00 Истории в деталях.
18.30 М/ф «6 кадров».
18.40 Т/с «Виола Тараканова. В мире преступных страстей 3».
23.00 Х/ф «Кошки против собак». (США).
00.45 Слава Богу, ты пришел!
02.05 Фантастика «Эффект бабочки». (США).
04.15 Драма «Король клетки». (Южная Корея - США).
06.00 Т/с «Море душ».

Ўзингиздан уялинг!

Узоқ йиллардан буён ичкилик билан ошно бўлган, ашаддий ичувчи бўлмаса ҳам улфатчилик деса ўзини томдан ташлайдиган бир дўстимиз дабдурустдан ичишни ташлади. Эшикдан биров мўраласа армон йўқ, дастурхонга яримта билан газак ташийдиган хотинига «уйдан шайтон сувининг уруғини қуритасан» деб буюрган. Улфатлар йиғилса аввало яримтанинг ҳисобини қиладиган одам бугун ичкилик бўлса, мен бормайман деб ўтирибди. Хотини лол, улфатлар ҳайрон.

Олдинига ҳар доимги гап, бирон жойда кўпроқ ичиб, бошоғриқ топган бўлса очилиб кетади деб юрган жўралари ойлар ўтиб, масаланинг жиддий эканини сезишди. Қаттиқ изоҳ талаб қилаверишгач, дўстимиз ёрилди:

— Қизимдан уялдим, — деди у. — Тўғри, ичсам ҳам унча-мунчага кайфим ошмайди, беҳуда жанжал ҳам қилмайман. Лекин барибир бу баттол хаёлни олар экан. Бир куни тушда «яхшигина» бўлиб, уйга борибман-да, кўйлак-шимни ечиб, майка-трусида телевизор турадиган хонада ухлаб қолибман. Қизим мактабдан келиб 3 соат уйга киролмай ўтирибди, уялганимдан ер ёрилмади, ерга кириб кетсам. Ўйлаб қарасам, ўтакетган аҳмоқ эканман. Ўзим ичсам, чексам, қандай қилиб ўғлимдан ичмасликни талаб қилишим мумкин? Ўзим маст бўлиб ярим ялангоч юмалаб ётсам, қизимдан нимани кутаман?

Тўғриси, даврадагиларни билмадим, менинг бошимга тўқмоқ билан ургандай таъсир қилди бу гап. Чунки хоҳлайсизми-йўқми, ичгандан кейин одам қизишади, тилинг ечилади, хушёрлигингда тийилганингдан мастлигингда қайтмайсан. Баъзан шунинг дастидан оилавий жанжал чиқиб туриши ҳам бор гап. Тезда унутилиб кеттанлиги учун бунга унча аҳамият бермаймиз. Буларнинг барчаси оғзимизга термулиб турган болалар олдида бўлади.

Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, ҳаммамиз отамиз (онамиз деб ёзаверсак ҳам бўлади, чунки баъзи аёллар эркаклардан кам ичмаётир). Ўғил-қиз тарбиялаяпмиз. Бироқ, қандай?! Тарбиянинг асосини шахсий намуна ташкил қилар экан, биз қандай намуна кўрсатаяпмиз?!

Болалигида «меҳмон-меҳмон», «хола-хола» ўйнамаган одам бўлмаса керак. Қум устига қурилган уйларга чўпдан қурилган қўғирчоқлар дастурхон кўтариб меҳмонга боришади. Мезбонлар меҳмонларни нон, чой қилиб кутиб оларди.

Ҳозир-чи, кичкинтойлар меҳмон-меҳмон ўйнаса қадаҳ сўзи гапириб, пиёла уриштириб ўйнашади. «Отаси» албатта сигарет чекади. «Онаси»ни пинжига олиб ўтиради.

Бу нимадан далолат? Бу ўз қилмишимиз билан фарзандларимизга «намуна» бўлаётганимиз оқибатидир. Қуш уясида кўрганини қилади деб бежиз айтишмайди.

Шахсий намуна тарбиянинг энг асосий омилидир. Бир зиёли одам ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўша пайтларда топилмас матоҳ бўлган видеомагнитофон сотиб олиб, болаларига беҳаё филм кўрсатгани билан мақтанган эди. Бундан ташқари биз бу эр-хотиннинг хонадонида ярим яланғоч бемалол юриши, болалар олдида қучоқлашиб, ўпишиб, беҳаё қилиқлар қилиши ҳақида орқаворотдан эшитган эдик.

— Болалар ҳар томонлама «развитий» бўлиши керак, — деб изоҳлаган эди у ўз ишини.

Натижа шу бўлдики, қизи шаҳарнинг энг таниқли, нафақат кечаси, балки кундузи ҳам тинмайдиган капалагига айланди. Ўғли европа миллатига мансуб қизга уйланди. Олдинига хотиним ҳам одам, ким билан кўнгилхушлик қилса шахсий ҳуқуқи, демократия деб битта-ярим улфатлари билан дон олишганига «тўғри» маънода қараган бўлса, кейинчалик бундан манфаат излайдиган, хотинини бойваччалар билан таништирадиган, кейинчалик нархи ўтмай қолавергач, танасини сотиб бўлса ҳам пул топишга мажбур қиладиган бўлди. Бугунги кунда эр-хотин ахлат қутиларини титишади. Ўзини сотишга иложи қолмаган-да...

Ҳозирги кунда видеомагнитофон ҳар бир уйда бор. Ёки параболик антенна ҳар бир хонадондаги телевизорга юздан ошиқ каналлардан кўрсатувлар олиб узатяпти. Шулардан анчагинаси одамлардан яширинча қилиниши лозим бўлган ишларни куппа-кундузи мириданситигача намойиш қилишдан чарчамайди. Тўғриси, ўғил-қиз олдида телевизор кўриб бўлмай қолди...

Худди шунингдек, ота-она маиший ҳаётда ҳам ўрнак бўлиши лозим. Турмуш тарзи яхшиланганини сайин имкониятлар ортиб бораяпти. Ҳамма хонадонда «спалний» мавжуд. Лекин бу ота-онанинг туриш-турмуши ошкора бўлсин дегани эмас-ку. Гап нимада эканлигини тушунган бўлсангиз керак. Сиримиз қанча кўп бўлса, қадримиз шунча юқори бўлади. Ҳозир қирқ беш-элликка кирган одамлардан сўранг-чи, ота-онаси ётиб-турадиган тўшакни кўрганмикан?! Бугунги кунда йигитларнинг сирга тақиб, соч турмаклаётгани, қизларимизнинг тор шим, калта юбка кийиб, киндигини очиб юришининг боиси шу эмасмикан?!

Бир синфдош дўстимиз доимо озода, сочлари ювилган, таралган, кийимлари дазмолланган, китоб-дафтарлари тахт ҳолда юрарди. Отаси ўқитувчи бўлгани учун шундай бўлса керак деб ўйлардик. Баъзида «пасон-пасон» деб устидан кулсак-да, унга ҳавасимиз келарди. Уйдагилар ҳам уни бизга ўрнак қилиб кўрсатишарди. Унинг бу «ютуқ»ларга қандай эришгани кейин аён бўлди. Бир куни кечқурун бирга дарс қилиш учун уйига борсам, эшикни отаси очди. Мени ичкарига таклиф қилди, пойгакда эса дўстим тик турарди. Сабабини отаси тушунтирди:

— Ошнанг овқатга кеч келди, — деди у. — Ҳамма дастурхон атрофида. Бизнинг уйда бундай ҳурматсизлик бўлиши мумкин эмас.

Дўстим чой ичиб бўлгунимизча тик турди. Отаси охири шундай деди:

— Агар мен узрсиз овқат маҳалига кеч келсам, сен умуман келмасанг ҳам майли. Кир ёки йиртиқ кийим кийганимни кўрсанг, хоҳлаган кийимингни кийишинг мумкин. Ичганим, чекканимни кўрган бўлсанг, бу масалаларда ҳам эътироз билдирмайман. Қачонки, мен ўзимга шу нарсаларни раво кўрмасам, сендан ҳам шуни талаб қиламан, тушунарлими?!

Бугунги кунда ўз туриш-турмушимга озми-кўпми эътибор қилсам, аввало ота-онам тарбияси, қолаверса, шу дашном сабабчи деб ўйлайман.

Албатта, намунали ҳаёт кечириш мушкул иш. Лекин ҳаёт-мамотимиз, келажагимиз шунга боғлиқ. Сиз ичувчи, чекувчи, маиший бузуқ, беандиша ёки фосиқ бўлсангиз, ўғил-қизингиз ўзингиздан ўтса ўтадики, кам бўлмайди. Сиз бировнинг мулкини сўраб олиб, қайтариб бермасангиз, ўғлингиз ўғри бўлиши тайин, эрингиздан яширин гаштакка бориб, бегона эркакка кўз сузсангиз, қизингиздан нимани кутиш мумкин? Уйга келиш-кетишингизнинг тартиби бўлмаса, қизингиз саёқ, ўғлингиз такасалтанг чиқади. Шундай экан, муносиб ворис тайёрлаш ниятингиз бўлса, ўзингизни тийинг, ўғил-қизингиздан уялинг!..

Муҳиддин АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Дуо олган ўғил

Онамнинг ота томондан қариндошлари ва бувимнинг авлодлари бизга қўшни, сал олисроқ қишлоқда яшашади. Болалигимда Бештувога кўп борардим. Гоҳ бувим, гоҳо онамнинг ўша ёққа кетаётганини эшитсам, улардан олдин «қанот қоқардим». Нега деганда Бештувода холаларимнинг ўзим тенги ўғил-қизлари билан Хусен бобом (онамнинг отаси)нинг каттакон боғларида айланиб, ширин-шакар меваларидан хоҳлаганча ердик. Хуллас, у бахтиёр кунлар хотирамдан хеч качон кўтарилмаса керак.

Кетар чоғи «Ўзимнинг бобожоним!» дея бўйнидан қучиб хайрлашарканман, бобомнинг нуроний чеҳраси янада ёришиб кетарди. Онамнинг даладаги ишлари кўпайиб кетган пайтлар Бештувога боришга вақт тополмасди. Мен эса ёлғиз бориб келишга қўрқардим. Чунки икки қишлоқ оралиғида катта қабристон бўлиб, менга жуда қўрқинчли кўринар, баланд ўсган юлғунлар устида ҳар хил қушларнинг овози эшитилар, кимсасиз бу жой ваҳимали туюларди.

Йиллар ўтди. Биз улғайдик. Бобомдан қолган ҳовлида ҳозир ўртанча тоғам болачақаси билан яшайди. Ҳар гал Бештувога борганимда бобомдан қолган ҳовли, боғни айланаман. У эккан дарахтлар ҳамон мевадан ларзон. Токзорлардаги узумларни кўриб кўзинг қувонади. Тоғам бобомдан боғбонликни яхши ўрганганлиги, ота касбига меҳр қўйганлигига амин бўламан.

Ўтган йилги рўза ҳайитида Бештувога бориб она авлодларимникида бўлдик. Кейин катта тоғам билан Бештуво қишлоғидаги «Ҳазрати Бешвали» қабристонига йўл олдим. Анчадан бери бу жойдан ўтмаган эдим. Кўриб лол бўлдим. Негаки, мен билган, болалигимда онам ёки бувим билан бирга бўлсам-да, қўрқиб, юрак ҳовучлаб ўтадиган қабристон жуда файзли эди. Пишиқ ғиштдан миллий руҳда безалган масжид қурилибди. Келган одамлар ҳам бундай ўзгаришлардан хурсанд. Зиёратга келувчилар учун ҳамма қулайликлар муҳайё эди бу масканда.

Тоғам билан аждодларимиз руҳига дуои фотиҳа ўқидик. Қабрларни зиёрат қилдик. Қайтаётиб: «Тоға, бу жой жуда обод қилинибди-а?», — дедим савол назари билан.

— Ҳа-а, жиян, катта иш қилинди. Бу ишнинг бошида умринг узоқ бўлгур Умуржон турди-да.

— Қайси?

— Унинг онаси асли ўзимизнинг бештуволик. Қўшни қишлоққа — Ғиштига келин бўлган эди. Ўғилларини ҳалол меҳнат орқасидан, деҳқончиликдан боқиб катта қилди. Ақлли чиқди болалари. Тошкент, Бухорода ошна-оғайни орттиришди. Хуллас, онасининг бахтига топармон-тутармон чиқишди. Биргина онасининг эмас, элнинг бахтига омон бўлишсин шундай йигитлар.

Олдинги рамазон ҳайитида Умуржон онасига дилини ёрибди: «Онажон, уй-жойим, туриш-турмушим кўнглимдагидек. Касб-коримнинг орқасидан орттирган тўрт-беш тангам бор. Ҳажга бориш ниятидаман...».

Онаси азалдан жуда мулоҳазали аёлда. У ўғлидан жуда хурсанд эканлигини айтиб, узундан-узоқ дуо қилибди. Оиласига тинчлик, касб-корига ривож, умрига барака тилабди. Кейин ўғлини бағрига босиб: «Ўғлим, ҳажга боришни дилингга туккан экансан, сени худо ёрлақасин. Менингам бир ниятим бор. Шу-у, менинг ҳам бир кун борар жойим — «Ҳазрати Бешвали». Аввал шу жойни обод қилсанг дегандим. Борар маконимиз ўша ер, ахир. Боболаринг, бийиларинг шу жойда...».

Ўғил йилдан-йил ёши ўтиб, чўкиб бораётган онасининг гапларини тингларкан, «Онагинам қанчалик ажойиб, узоқни ўйлайдиган аёл. Менинг муштипаргинам, сизнинг ҳар гапингиз мен учун олтиндан қиммат» дея кўнглидан ўтказибди.

— Онажон, албатта сиз айтгандай бўлади. Аввало шу улуғ ниятингизни амалга ошираман, — деб ишга киришибди.

Хуллас, Умуржон қишлоқ оқсоқоллари, катта-кичиги билан маслаҳатни бир жойга қўйди. Иморат-у ободончиликка кетадиган маблағни етказиб турди. Бештуволиклар ҳам баҳоли-қудрат қурилиш ишларида қатнашишди. Эрта баҳорданоқ ҳар хил дарахт-у гуллар экилди. Масжид қуриб битказилгач, гулдор гиламлар-у палосгача келтирилди. «Ҳазрати Бешвали»да худойи берилган куни Умуржон онасини зиёратгоҳга машинасида олиб келди. Шунда муштипар онасининг кўзлари ёшланди. Ўғилларини, элнинг фарзандларини дуо қилди. Ўтганлар хотирасига тиловат қилди...

Бир вақтлар ҳамма ҳам юрак ютиб келолмайдиган қабристон обод зиёратгоҳга айланди. Ҳозир бу жойдан одамларнинг қадами узилмай қолди. Юртимизда ана шундай инсофли, диёнатли, ғурурли фарзандлар кўпайсин. Уларни Худо зиёда қилсин, жиян, — деди дуога қўл очиб тоғам.

Шу куни жуда таъсирландим. Она орзусини рўёбга чиқарган ўғилга таҳсинлар айтдим. Шундай диёнатли фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказган онага ҳавасим келди. Кошки эди ҳамма ўғил-қизларимиз ҳам шундай онажонлари дуосини олишса.

Дилноза ЎРИНОВА,
Тошкент Давлат санъат институти талабаси

ЖИНОИЙ ГУРУҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди биносида ўқилган ҳукм пойтахтимизда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиб келган жиноий гуруҳ фаолиятига нуқта қўйди. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири қилмишига яраша жазога тортилди.



«Ёшим бир жойга бориб қолди, қачонгача акамнинг топганига шерик бўлиб юраман? Буёқда тўрт фарзандим катта бўлаяпти. Одамлар қандай пул топаяпти ўзи? Нега менинг ишларим ҳеч ўнгидан келмаяпти?» — акасининг ошхонасида ўтириб кунни кеч қилган Исмат (исмлар ўзгартирилган)нинг хаёли шу ўйлар билан банд эди.

Унинг ёнига келиб ўтирган корейс йигит дабдурустдан гап бошлади:

— Сен Ботир аканинг укаси бўлсанг керак-а?

— Қандай билдинг? — деди Исмат унинг сенсираб гапирганига энсаси қотиб. Акасининг қўлида ишлайдиган бу йигитни илгари ҳам бир-икки кўрган эди.

— Ўхшаб турибсан бизнинг хўжайинга. Ё акаси, ё укаси бўлсанг керак деб ўйладим. Аммо-лекин хўжайинимиз Ботир ака тилла одам!

— Мақтаб овора бўлма, гап етказадиган одатим йўқ.

— Сен нотўғри тушундинг. Мени ишга олгани учун эмас, одамгарчилиги учун мақтаяпман. Умуман, мен нима учун унга ишлаб юрганимни биласанми?

— Нимага экан? — Исмат кайфи борлиги сезилиб турган йигитни гапга солгиси келди.

— Оилам Россияда, ўзим бу ердаман. Нега десанг, уёқда бобой бўйнигача қарзга ботган. Битта буйрагимни сотсам қарздан қутуларман деб Москвага боргандим, харидор топилмади. Қайтиб келиб Ботир акага учраб қолдим, «буйрагимни сотаман, клиент топиб беринг» десам уришиб берди. «Жонинг омон бўлсин, пул топилади» деди. Ўйлаб қарасам, аканинг гапи тўғри.

Ботир ака қарзга пул топиб беришниям ваъда қилган. Лекин ўзимдаям битта вариант бор. Миша деган танишим қарз берадиган одам чиқса уйини гаровга қўйишга кўниб ўтирибди.

— Сенга ўзи қанча пул керак? — хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб сўради Исмат.

— Анча...

— Ўша Миша деганинг сенга қариндошми ё шунчаки танишми?

— Уми, битта алкаш-да. Хотини орқали танишганман.

— Гап бундай, мен билан бирга иш қилсанг қарзларингдан ҳам қутуласан, буйрагинг ҳам ўзингга қолади.

— Зўрсан-ку, нима қиламиз ўзи?

— Эртага ўша уйнинг ҳужжатларини олиб кел, кейин айтаман. Айтгандай, исминг нима?

— Алфред, демак, келишдик, — у Исматга қўл узатиб кафтларини сиқиб қўйди.

БИРИНЧИ ЭПИЗОД: «УЙ ОПЕРАЦИЯСИ»

Эртаси куни уйнинг эгасини эргаштириб келган Алфред Исматнинг гапини эшитиб дарров тушунди. Демак...

Исмат уйни шунчаки гаровга қўйиб пул олиб бўлмаслигини, олдисотди шартномаси тузиб, сўнг қарз олиш мумкинлигини айтди. Турган гапки, уй эгаси Миша бу шартга кўнмади.

Исматнинг ишораси билан Миша учун «шоҳона» зиёфат уюштирилди. Иккинчи шиша бўшаган пайтда Миша ҳар қандай ҳужжатга қўл қўйишга тайёр аҳволда эди.

Хуллас, Ҳамза тумани Исмоилова кўчасидаги икки хонали хонадон эгаси чув тушди. Исмат ва Алфред Мишанинг спиртли ичимликка ўчлигидан ғаразли мақсадда фойдаланиб, унинг уйини хатирчилик бир кишига 3600 АҚШ долларига пуллаб юборишди.

ИККИНЧИ ЭПИЗОД: «ГУРУЧ БИЗНЕСИ»

«Уй операцияси»дан тушган пулларни ўз билганича сарфлаётган Исмат хотинига янги гап топиб келди: «Россияга кўчиб кетган бир танишим уйида қолган жиҳозларни сотиб беришимни сўраб телефон қилди». У хотинини Мишанинг уйига бошлаб келди.

Эр-хотин уйдаги пулга чақса бўладиган жиҳозларни юк машинасига ортиб олиб кетишди. Бу жиҳозларнинг нархи 2 млн. 162 минг сўмга тенг эди.

Миша, яъни, уй эгаси бу вақтда қаерда эди деган савол туғилади.

Уни Алфред ўзи билан Самарқандга, «гуруч бизнеси» учун олиб кетган эди...

УЧИНЧИ ЭПИЗОД: «ЖИДДИЙ ИШНИНГ БОШЛАНИШИ»

«Уй операцияси»дан яхшигина пул ишлаб олган Исмат энди каттароқ ишлар ҳақида ўйлай бошлади. Шундай кунларнинг бирида қандайдир эзма киракашнинг гапи унга янги «ғоя» берди. Киракаш қачонлардир бир танишига кимдир уйқу дори бериб машинасини ўғирлаб кеттани ҳақида гапириб берган эди.

Исматга бу пул топишнинг осон йўли бўлиб туюлди ва ўзича режа тузиб чиқди. Энг аввал одамга тез ва кучли таъсир қиладиган «клофелин» таблеткаларидан топди.

Сўнг акаси Ботирнинг олдига борди.

Яна пул сўраб келди деган ўйда хушламайгина қутиб олган акаси унинг гапларини эшитгач, тутаб кетди.

— Эсинг жойидами ўзи, бу бориб турган жиноят-ку!

— Нимаси жиноят экан? Сиз бор-йўғи муҳр билан штамп ясаб берадиган одам топасиз. Қолгани менинг ишим.

— Бошимни оғритмасдан жўна уйингга, — акаси уни қувиб солди.

Икки кун ўтиб Исмат яна унинг олдига борди.

— Яна шу гапми, сенга ўзи нега керак қалбаки муҳр?

— Акажон, ёрдам бермасангиз бўлмайди. Ишкал ишга аралашиб қолдим. Агар нотариус муҳри билан «ДАН»нинг штампини тайёрлаб бермасангиз, мени ўлдириб кетишади, — уканинг йиғламсираб айтган гапларига ака лаққа ишонди.

Аввалига «ўша одамлар билан гаплашиб ишни ўзим тинчитаман» дея туриб олди. Лекин Исматнинг «улар хавфли одамлар, мени ўлдирмасангиз болаларимни ўйланг» деб ёлғондакам ёлворишлари уни шаштидан қайтарди.

Хуллас, Исмат акасини аслида йўқ «Рош» ва «Қобил» учун қалбаки муҳр ва штамп тайёрлашга кўндирди.

Жигарчилик, укасига ичи ачиган ака сўраб-суриштириб муҳр ва штамп тайёрлайдиган одамларни топди. Улардан дастгоҳ сотиб олди, муҳр ва штамп тайёрлаш усулларини ўрганди.

Бу орада жиноий режа тузиб улгурган Исмат Алфред устида «клофелин» таблеткаларини синаб кўрди.

Қалбаки муҳр ва штамп тайёр бўлган куни Исмат ва Алфред «ов»га чиқишди.

«Паркент» бозори яқинида «Матиз»да кира қилиб юрган йигитдан вокзалга олиб бориб қўйишни сўрашди. Шу тариқа улар ўзларини ишбилармон одамлардай кўрсатиб, шаҳарнинг у бошидан бу бошига бориб, қандайдир идораларга кириб-чиқиб кунни кеч қилишди. Хизмат ҳақини эса икки баравар тўлашди. Бу тузоқ эди.

«Матиз»дан тушар чоғида Исмат киракашга «эртага вақтингиз қандай?» деган мазмунда савол ташлади.

(Давоми келгуси сонда).

Турсунбой ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Фожеали қисмат

ЁХУД БИТТА ЭЧКИ УЧУН БОЙ БЕРИЛГАН УМР

Кармана тумани «Зарафшон» ширкат хўжалиги «Аллон» маҳалласида яшовчи Зариф Холов автобус бекатида Абдулло исмли киши билан танишиб қолди. Суҳбат орасида ёши 60 ларга яқинлашган Абдулло бобо Зарифга ўзининг сўққабошлигини, агар бирор иш бўлса, ишлаб юришини айтди. Бу Зарифга маъқул тушди. Укаси Парда Холов ва ўзининг 70 та қўй-эчкисини Маликработ қўрғони яқинидаги даштда боқиб беришини, эвазига ҳар ойда 20 минг сўм тўлашини, озиқ-овқатларни ўзи етказиб туришини айтиб, Абдулло бобо билан оғзаки келишиб олди.

2005 йилнинг октябр ойида Зариф Холов Кармана тумани «Олтинбулоқ» фермер хўжалигининг даласидаги 70 та қўй-эчкисини боқиш учун Абдулло бобони шу ерга олиб келди. Боқиладиган 15 гектарча ерни кўрсатди, қўй ва эчкиларни боқиш учун топширди. Яшаб туришига лойдан қурилган уйни кўрсатди. 10 кун давомида иккаласи қўй-эчкиларни биргаликда боқиб юришди. Шундан сўнг Зариф Жалойир қишлоғидаги уйига қайтиб кетди.

Кейинчалик Зарифнинг жияни Учқун Сафоев 28 декабрдан келиб-кетиб, Абдулло бобо билан биргаликда отарни боқиб юрди. 2006 йил февраль ойи бошларида Зариф Холов жияни Учқун билан озиқ-овқат олиб Абдулло бобонинг олдига келди. Шунда Зариф қўйларнинг камаяётганини пайқаб, Абдулло бободан бунинг сабабини сўради.

— Қўйлар орқада қолиб кетган ёки бошқа отарга қўшилиб кетган бўлса керак, — деди Абдулло бобо.

Шундан кейин йўқолган қўйлар изланди. Аммо топилмади. 2006 йил 9 февраль куни Зариф Холов яна фермер хўжалигига келганда шу атрофдаги «Ота Мустафо» фермер хўжалиги раҳбари Раббим Ҳамроевнинг ўғли Муродни учратиб қолди. У Зарифга ўзларининг қўтонида битта бегона эчки борлигини айтди. Зариф эчкини бориб кўрганда, у ўзлариники бўлиб чиқди.

— Бу эчки сенга қандай келиб қолди? — Зариф Раббимнинг чўпони Сайфулло Рўзиевдан сўради.

— Эчкини Абдулло бободан 5 минг сўмга сотиб олдим.

2006 йил 29 сентябр куни Навоий аэропорти яқинида ер текисланаётганда аврогрейдернинг ер текисловчи отвали тагидан одам танасининг аъзолари топилди...

Бу гапдан Зарифнинг жаҳли чиқди. Ҳаммасига ойдинлик киритиш учун Абдулло бобонинг олдига келди. Лекин у буни тан олмади.

Шунда Зариф жиянлари Учқун Сафоев, Исомиддин Холов билан Сайфулло ака ва Абдулло бобонинг қўлларини боғлаб, фермер хўжалигининг шийпонига олиб келишди. Зариф Абдулло бобонинг юзига икки тарсаки туширди. Кейин ҳаммалари Абдулло бобо ҳамда Сайфулло акани тик ҳолатда шийпон ромига боғлаб қўйиб, аёвсиз калтаклашди. Шунда Сайфулло ака эчкини Абдулло бободан 5 минг сўмга сотиб олганини яна бир бор тан олгач, уни боғланган жойидан бўшатишди.

— Сизлар шу ерда қолинглар. Мен профилактика инспекторини чақириб келаман, — Зариф жиянларига шундай деганча чиқиб кетди.

Ўз иши билан юриб, икки соатлардан сўнг шийпонга қайтиб келганда Абдулло бобо ҳамон шийпон ромида боғланган ҳолда турарди. Олдида ҳеч ким йўқ. Шунда Абдулло бобо Зарифни сўкиб, ҳақорат қилди. Бунга чидай олмаган Зариф Абдулло бобонинг бўйнидаги арқонни қаттиқ тортди. Шу тариқа уни бўғиб ўлдириб қўйди. Ҳеч ким билмаганлигидан фойдаланиб чиқиб кетди.

— Тоға, Абдулло бобо ўлиб қолибди, — Зариф шийпонга қайтиб келганида жияни Учқуннинг гапи шу бўлди.

У ичкарига кирганида жонсиз танани жиянлари ва Сайфулло ака аллақачон боғланган жойидан ечиб олиб, нима қилишни билмай ўтирган эдилар.

— Расво қилибсанлар-ку! Ўзларинг қилган иш учун ўзларинг жавоб берасанлар энди, — Зариф уларга ўдағайлади. Бироздан кейин муаммонинг ечимини топгандек қўшиб қўйди:

— Мурдани чиқариб, бирон ерга кўминглар. Ҳеч ким билмасин.

Жиянлар ва Сайфулло ака ўзаро маслаҳатлашиб, чўпдан тайёрланган замбилга мурдани солиб, кечаси соат 9 ларда олиб чиқиб кетишди. Қайтиб келиб, суви бўлмаган захкаш ёнига кўмганликларини айтишди. Зариф мурда кўмилган жойни бориб кўриб келди.

— Кўмган жойларинг бўлмайди, — деди Зариф хавотирланиб. — Қўтонга яқин экан. Ковлаб олиб бошқа жойга кўминглар.

Эртасига соат кечки 9.30 ларда Учқун ва Сайфулло ака мурдани кавлаб олиб, фермер хўжалигидан бир чақиримлар олисга — аэропортга яқин жойдаги захкаш ёнига кўмиб келишди.

11 феврал куни Зариф Холов жиянлари ҳамда Сайфулло акага бўлган воқеа ҳақида ҳеч қаерда гапирмасликни қайта-қайта уқтириб, тилхат ёздириб олди. Тилхатни уч ойлар сақлаб юрди, ҳеч гап чиқмаслигига кўзи етгач, йиртиб ташлади.

Шундай қилиб, Абдулло Шароповнинг аянчли ўлим топди. Битта эчки учун инсон умри бой берилди. Марҳум кўп йиллар қамоқ жазосини ўтаган, қайтиб келиб ёлғиз яшаб юрган эди.

2006 йил 4 октябрда Зариф Холовнинг уйида тезкор-қидирув ходимлари тинтув ўтказганида 1,05 грамм марихуана топилди. Зариф уни Абдулло бободан олганлигини билдирди.

Худди шу куни Учқун Сафоевнинг уйидан ҳам 0,81 грамм марихуана чиқди. У наркотик модда уйига қаердан келиб қолганини билмаслигини билдирди.

* * *

Аэропорт яқинидан топилган мурда Абдулло Шароповники эди.

Судда судланувчилар З.Холов, У.Сафоев, И.Холов, С.Рўзиевлар содир этган жиноятларини тан олдилар... З.Холов 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Суд ҳукмига кўра унга нисбатан Сенатнинг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси конституциясига қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 7-банди «б» кичик банди қўлланиб, ўталмаган жазо тўртдан бир қисмга қисқартирилди.

У.Сафоев, И.Холов, С.Рўзиевларга нисбатан ҳам юқоридаги амнистия қўлланди.

Хушнур МАКСУДОВ,
Навоий вилояти прокуратураси катта терговчиси.
Абдуҳаким ҲАСАНОВ,
журналист

Иблис талвасаси

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

ЕРТЎЛА

Олимбекнинг шоҳона безатилган ерости хонасида чироқ ёқилган. У хона ўртасида бахмал кўрпачалар устида пар ёстиққа ёнбошлаб олдидаги хумдан олтинларни олиб томоша қилади.

— Отамнинг тиллалари, отам сени не машаққатлар билан менга етказди. Нотинчликлар бўлмаганида отамнинг бутун бойликларига эга бўлардим. Подшоликни олсам ҳам бўларди. Бутун водийни сўрардим-а, бўзарганнинг кўзини ўярдим. Бугунгидек акамнинг куёви билан айтишиб ўтирмасдим. Акам ҳам аҳмоқ бўлмаса қизини шу ялангоёққа берармиди. Менга ўқраядия! Агар юқоридан унга тегманглар деган буйруқ бўлмаганида, онасини Учқўрғондан кўрсатардим. Қаёққадир бораман дедими? Боравер, нодон. Катталар ҳам менга ўхшаганлар-ку. У иккинчи секретар Собиржоновга суянмоқчи. Ўзига ўхшаган ялангоёқларни ўша суяйди. Акамнинг ландовурлигини отам раҳматли ҳам билган. Шунинг учун олтинларни менга топширган.

Ҳалиям Ғайрат отасининг ўлимида кимнинг қўли борлигини билмайди. Эҳ, Ғайрат, Ғайрат! Агар ўзинг ҳам, ўртоғинг ҳам жим юришганида сени ўша Москвадаги ҳомийинг билан таништирардим...

Олимбек столдаги коняқдан ичиб, кайфи ошиб ухлаб қолди...

— Ишим «во» дегин, яхши. Бош агроном бўласанми?

— Бўламан, раис бува. Нега бўлмас эканман? Сиз айтсангиз бўлди, хўжайин.

— Бўлмаса шу дақиқадан бошлаб сен бош агрономсан.

Акрам пиён қуллуқ қилди.

— Раҳмат, ўла-ўлгунимча хизматингиздаман.

Раис қўлини белига тираганича дераза олдига борди. Бироз сукунатдан сўнг ўтирганларга ёнбоши билан қаради.

— Эрталабгача ҳамманг 6 центнердан пахта топширасанлар. Йўқол ҳамманг. Ғайрат, Акрам, кассир — учаланг қол!

Ҳамма чиқиб кетди. Олимбек Ғайратнинг олдига келди:

— Менга қара, куёв, йиллик пахта тайёрлаш ҳақида рапорт ёзиб, қўл қўй. Ҳали Акрам пиённинг имзоси ўтмайди. Сени кўшни колхозга раис қилиб жўнатаман, гаплашиб қўйдим.

— Ундай қилолмайман. Уч йилдан бери нима десангиз қилиб келдим...

— Нима бўлди ўзисенга? Тўйдингми? Подпис кўясан.

— Қўймайман. Агар шундай дўқ қилаверсангиз, райкомга бораман, арз қиламан.

— Қишлоқдан бир чиқиб кўр-чи, нима қиларканман. Йўқол!

Ғайрат чиқиб кетди.

БАРЗАНГИЛАР...

Катта йўл ёқасида пиёдалар учун ажратилган йўлақда Ғайрат хаёлга ботганча қизил байроқлари ҳилпираб турган обком биноси томон бормоқда. Катта йўлнинг чеккасидан секин юриб келаётган оқ «Жигули» Ғайратдан йигирма қадамча ўтиб тўхтади. Ундан уч барзанги тушди. Яқин келганда биттаси бирданига Ғайратнинг башарасига мушт туширди. Ғайрат гандираклаб бетон арикка боши билан йиқилганида уни ҳар томондан тепкилашди. Батамом ҳушини йўқотгач, барзангилар икки томонидан қўлтиқлаб машинага судрашди. Ўткинчилар ҳайрон. Аммо ҳеч ким аралашмади. Уни машинага ўтқазиб олиб кетишди.

Ғайрат Олимбекнинг хонасида ҳушига келди. Кўзи тиниб, боши зирқирар, ҳеч нарсани эшитмасди. Ўқрайиб турган Олимбекка кўзи тушди.

— Қора костюм-шим ва оқ кўйлак кийган йигит Ғайратга сув берди. Олимбек унинг тепасига келди.

— Қаёққа бораётган эдинг, итвачча?

Ғайрат индамади.

— Сендан сўраяпман? — Ғайратнинг елкасига тепди. — Гапир, ўша Собиржоновгами?

— Ҳа, — деди кўзини очмасдан хаста овозда, — адолат излаб.

— Адолат менинг чўнтагимдаги пул, билдингми? Ҳамма жой мени тинглайди. Қарға қарғанинг кўзини чўқиганини кўрганмисан, нодон?

Хонадаги уч йигитга қараб кулди.

— Мулла қилолмабсизлар-ку?

— Бўлди, Олимбек ака, ҳозир мулла қилиб берамиз-да.

Олимбек уларга «тўхтанглар» ишорасини қилди.

— Бу ҳали билмас экан, партиядан ўчириб, қаматаман. Чўнтагидан партбилетини олинглар.

Барзангилардан бири яқин келиб Ғайратнинг чўнтакларини ковлади. Ён чўнтагидан блокнот олиб, ичида турган партия билетини Олимбекка узатди. Ғайрат ўрнидан турмоқчи эди, мадори етмади...

— Обориб ертўлага ташланглар! Эҳтиёт бўлинглар, ўлиб қолмасин.

ЗАРБДАН КЕЙИН

У ертўлада ётганида бутун ҳаётини ўйлаб чиқди. Отаси тириклигида турмушлари яхши эди. Отаси қамалгач, онаси топган-тутганини сотиб отасини қутқаришга ҳаракат қилди. Аммо ҳеч нимага эришолмади.

Ҳозир у ўзини ёруғ дунёга келиб, ёруғлик кўрмагандай ҳис этди. Болалигини, талабалик йилларини эслади.

Дарвоқе, Хондамир ҳозир қаерда экан? Москвага кетиб қолган деб эшитганди. Шундан сўнг Фотима лаборант бўлиб ишлайдиган кафедрага борди. Аҳволини, уй шароитини сўради. Хондамир аввалги хотинини ҳам, уни ҳам ташлаб Москвага кетиб, қайсидир «катта»нинг қизига уйланиб олибди. Фотима эса ўғли билан яшаётган экан. Энди умрбод турмуш қурмас эмиш... Шундан кейин улар учрашишмади.

* * *

Қишлоқда пахса деворлар хонадонларни кўчадан ажратиб туради. Дарвоза ёнидаги тахта ўриндиқда ўтирган Ғайратдан ўткинчилар ҳол сўраб ўтиб кетишади. Ёнида жамалак сочларига лента таққан қизчаси копток ўйнаб ўтирибди.

Бир пайт ёзги милиция формасини кийиб олган Эркин машинада келиб қолди.

— Яхшимисан, агроном?

— Раҳмат, кел.

— Келдим, ўтирсам бўладими?

— Ичкарига кирайлик.

Улар уйга киришди.

— Сенга неча марта айтдим, бир ўзинг ҳеч қаерга борма деб...

— Собиржоновни кўраман деб ўйлагандим.

— У ҳаммасидан хабардор. Иш биз ўйлагانчалик осон кўчмаётган экан... Уларнинг Москвада ҳам одамлари бор экан.

— Ҳа, Собиржонов билиб ҳам ҳеч нарса қила олмаяптими, демак Толибнинг иши ёпиларкан-да!

— Нега?

— Олимбек ёптиради-да!

— Олимбек очтираяпти. Сенга тўнкаб қутулмоқчи.

— Бўлмаса, қама. Биратўла қутулардим бу ғалвалардан.

— Гапингни қара-ю. Мен сени огоҳлантирмоқчиман. Эҳтиёт бўл, ҳамма айбни сенга ағдариб юборишлари мумкин.

Ғайратнинг кўзига ёш келди.

— Дўстинг учун қон ют деганлар. Толибни Олимбек йўқотди. Уни мен йўқотишим керак. Бошига тош-пош билан уриб, ўлдириб қўяқолсамми-кан?

— Гапимни диққат билан эшит! Кечқурун соат 11 дан кейин уйингга бир йигит келади. Тепакал, деҳқонга ўхшаб кетади. У сенга тансоқчи бўлади. Ўзимизнинг одамлардан. Бирон жойга бормоқчи бўлсанг, у билан маслаҳатлашасан, у айтса борасан, айтмаса бормайсан.

— Тушунарли!

— Иккинчи гап! Мени вилоятга катта терговчи қилиб жўнатишаяпти...

— Ким?

— Ўзим ҳам билмайман. Собиржоновга айтсам, майли деявер деди. Ўрнимга ўзимизнинг одамни — Қобилни қўйиб кетаяпман. У сенга ёрдам бериб туради. Бугун олдингга келадиган ҳам ўша. Ўзи эпчил, ақлли йигит. Сенга яна бир сирни айтай. Олимбекнинг Политбюродаги одами бор экан... Хуллас, энди етти ўлчаб иш қиладиган пайт келиб қолди.

Эркин Ғайратга яна кўп гапларни айтиб кетди.

МАЖЛИС

Жамоа хўжалиги идорасида Олимбек ширакайф кўзлари қизариб ўрта қаторда ястаниб ўтирган кишига ўшқирди:

— Ҳов, бошингни қозондай қилиб серрайиб юраверасанми? Бугун қанча пахта берасан? Судралиш жонингга тегмадими?

— Харакат қиламиз, раис бува, — деди Нишонбой бригадир пешонасидан қуйилиб келаётган терини белбоғига арта туриб. — Эрта-индин бажарамиз.

— Билмайман, ё шу кеча бажарасан, ё изингни қуритаман.

— Бажарамиз, Олимбек ака. Агрономга айтинг, бошни оғритмасдан ведомостга қўл қўйиб берсин.

Олимбек одамлар орасидан Ғайратни қидирди.

—Ҳов, агрономбачча. Қўл қўйиб бер.

Ғайрат ўрнидан турди:

— Раис бува, инсоф қилайлик, аввалги олган пулларини тарқатсин колхозчиларга, кейин қўл қўяман. Одамларга олти ойдан бери сариқ чақа ҳам бермаган. Умуман, кассирнинг ўзи тарқатса қўл қўяман.

Олимбекнинг жаҳли чиқиб, олдидаги столни муштлади:

— Аввалгилари менда, билдингми? Қўл қўйиб бер, бўлмаса чатоқ бўлади.

— Ишдан бўшатсангиз бўшатинг, лекин қўл қўймайман.

Олимбек бош ҳисобчини турғазди:

— Менга қара. Агрономнинг подписи «чепуха», уни бўшади деб ҳисоблайвер. Акрам пиён борми? Ўзингни кўрсат.

Ичкиликдан бурни қизарган Акрам пиён ўрнидан турди. Қўй кўзлари мўлтираб бошидан телпагини олди, кир галстугини тўғрилади.

— Менда гап йўқ, хўжайин. Ҳаммаси жойида, тушунарли, — деди Олимбекнинг гапини англамай. «Во» деб бош бармоғини кўрсатди. Хонада кулги кўтарилди. Олимбек ҳам кулди.

— Қобилга юзланди. — Сени танимайроқ турибман, мелисадан бўлсанг керак, — қўлини ҳавода ўйнатиб кимнидир чақирди. Шу пайт ярим ялангоч иккита қиз келиб Қобил ва Ғайратни қучоқлаб олишди. Келганлардан бири сумкасидан фотоаппарат олиб суратга олди. Яна бири тўкин дастурхон ёзиб устига ичимликлар қўйдириб уни ҳам суратга олдирди. Сал ўтмай Фармон чўлоқ қишлоқдан аёл-эркак анча кишини эргаштириб келди. Кассир икки қизнинг устки кийимини қўлида ушлаб турарди. Шу орада Олимбек пайдо бўлди:

— Кўриб қўйинглар юзсизларнинг аҳволини. Ғайратнинг уйида хотинболаси бўла туриб, қилиб ўтирган ишини қаранг. Анавиниси, — у қўлини бигиз қилиб Қобилни кўрсатди, — районнинг жиноят-қидирув бўлимидан бўлиши керак. Ўргилдим бундай химоячидан, — у бақириб гапирар, Ғайрат билан Қобилга имкон бермасди. Гапириб-гапириб одамларни орқага қайтарди. Яна Олимбек, қора йигит, кассир, икки қиз, Қобил ва Ғайрат қолди. Йигитларнинг бўйнида қизлар ўпиб тишлаган излар қизариб турарди.

— Тўғриси, қойилман, — деди Ғайрат айёрлик қилмоқчи бўлиб.

— Мен зўр эканманми? Энди қай юз билан уйингга борасан? Ҳамма гап сен боргунингча тарқайди. Сенчи, мелиса? Кунинг битди. Эрталабоқ бу суратлар бошлиғинг, областдаги каттанг, обком столида бўлади. Қандай? Шундан кейин ҳам мелисада ишлашга кўзинг етадими?

— Жон ака! Бўлди, сиз енгдингиз, — деди Қобил.

— Шунақами? — жиддийлашди Олимбек, — қайси райондансан?

— Ака! Мен Чуқурқишлоқданман. Милицияга ишга кирмоқчи эдим. Булар синаб кўриш учунми, мени бу киши билан юборишди. Бор айбим... ишга кирмоқчи бўлганим... Кечиринг, ака! Иш-пишини ҳам йиғиштириб, уйга кетаман.

— Чуқурқишлоқлик бўлсанг Қудрат сўфини танийсанми?

— Танийман, ака, Қудрат ўғрини, э, сўфини танимаган борми?

Олимбек унинг чуқурқишлоқлик эканлигига ишонди шекилли:

— Танисанг, салом айт, Олимбек билан ўйнашиш нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам сўра ундан, — деди мийиғида кулиб. — Менинг измимда юрсанг, мелисада ишлайсан. Измимга кирмаган райком ҳам, прокурор ҳам, начальникинг ҳам ишламайди. Сен-ку, анча бамаъни кўринасан. Лекин анавининг, — Ғайратга ишора қилди, — тилини кесиш керак. Жуда узун бўлиб кетган.

Ғайрат индамади. Ўрнига Қобил гапирди.

— Ўзингиз ҳам қуёвингизни жуда эзиб юборибсиз-да.

— Ҳали эзганим йўқ. Эзадиган бўлсам, у чидаёлмайди менинг эзишларимга. Гапни қисқа қилайлик. Менга ишлайсанларми ё қамалиб кетаверасанларми?

— Ҳеч бўлмаса бир-икки кун дурустроқ ўйлаб кўрайлик-да. Сизнинг измингизда юриш ҳазил гапми?

— Бир кун муҳлат. Эртага шу пайт, шу жойда жавобини айтасанлар.

— Келишдик.

«Сенларга муҳлат-пуҳлат бериб ўтирмасдим-у, юқорида об-ҳаво ўзгараётганмиш. Горбачёвнинг бош котиб бўлиши бошга бало бўлди», — ўйлади Олимбек. Кейин уларга:

— Яна ўйин кўрсатиб ўтирманглар. Натижаси ўзларингга маълум, — дея хайрлашмай жўнаворди.

Ғайрат билан Қобил катта йўлга чиқишди. Анча вақт гап-сўзсиз юришди. Қобил атрофга назар ташлаб, гап бошлади:

— Тирик қолганимизга шукур.

— Бундай яшагандан кўра шартта униям, ўзимниям ўлдирганим яхшийди.

— Ўлиш қочмайди. Курашиш керак.

— Курашиш керак эмиш. Қанчадан-қанча инсон курашган. Лекин ҳеч вақога эришмаган. Олимбекни ҳамма танийди, тинглайди. Комиссия Тошкентдан келиб ундан фикр сўрайди. Дардингни кимга айтасан?

— Бироз кутайлик-чи, ҳамиша шундай бўлиб турмас.

(Давоми келгуси сонда).

Тўйхат ўрнида

Сафимиздаги устоз

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ишига муносиб ҳиссасини қўшган, прокуратура органларида қарийб 40 йил меҳнат қилган Засеев Руслан Фёдорович 60 ёшга тўлди.

Руслан Засеевнинг болалик даврлари Жанубий Осетиянинг виқорли тоғларида кечди. 1965 йили Ўзбекистонга келган Руслан Фёдорович ҳеч иккиланмай Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултетига ҳужжат топширди. Таҳсилни битиргач, йўлланма асосида прокуратура тизимида иш бошлади. Аввал терговчи, кейинчалик Навоий шаҳар прокурорининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ва вилоят, Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг тезкор назорат ва ташкилий бўлими катта инспектори бўлиб ишлаяпти.

У ўзининг билими ва куч-ғайратини мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашга, касб сирларини ёшларга ўргатишга бағишлади. Ишдаги ютуқлари учун Р.Засеев бир неча марта раҳбариятнинг мақтов ёрлиғи билан тақдирланган.

Фурсатдан фойдаланиб бахтли оила бошлиғи, уч фарзанднинг отаси бўлган Руслан Засеевни 60 ёши билан қутлаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, узоқ умр тилаймиз!

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти жамоаси

Моҳият

ОДИЛ ПОДШОҲЛАР ТЎҒРИСИДА

Адолатли подшоҳ ҳақдан ҳалойиққа кўрсатилган марҳаматдир, мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабидир. Қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очар ва мамлакат кишилари бошига олтин билан дурлар сочар. Фақирлар ва кучсизлар унинг яхшилигидан роҳатда, золимлар анинг сиёсати тиғидан қўрқувда.

Ҳайбатидан йўлларда қароқчи йўқ ва халқ қўлида моллар тўлиқ. Тиришқоқлигидан масжидлар кишилар билан тўлган ва мадрасалар илм баҳсидан ғовурга келган. Қасоси тиғидан ўғри қўли халқ молидан тортилган. Важоҳатидан йўлтўсарлар ҳоли йўқлик саҳросида янчилган. Фуқаронинг иши унга ҳам дуо, ҳам эркаланиш, унинг одати эса фуқароларни қўл очиқлик билан эркалатиш.

Очлар овқати мурувват ва баҳшиши дастурхонидан, яланғочлар кийими марҳамат ва эҳсони хазинасидан. Мамлакат боғини обод қилишга ёмғир булутидай сероб ва мамлакат аҳли кўзини ёритишга худди офтоб. Ўзга мамлакатнинг аҳолиси ва халқи уни орзу қиладилар ва бошқа ўлка маълумлари унинг адолати тўғрисида сўз юритадилар. Яхши отига атаб олимлар рисолалар тузадилар ва яхши сифатлари ҳақида шоирлар қасидалар ёзадилар, молгучилар уни деб куйлайдилар ва бастакорлар унга атаб куй яратадилар...

«Маҳбуб-ул-қулуб»дан

Данагидан мағзи ширин...

Саломатлик бекати

ХАВФЛИ БАКТЕРИЯ

АҚШ ва Швеция олимларининг ҳамкорликдаги кашфиёти ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларига қарши курашда янги имкониятлар эшигини очиши мумкин. Шунингдек, кашфиёт мукаммал даражага етказилса, бу касалликка қарши препарат ёки вакцина яратиш имконияти туғилади.

Тадқиқотчилар «Helicobacter pylori» деб номлаётган бу бактериянинг ўзига хос хусусиятини аниқлашга муваффақ бўлишган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасини келтириб чиқарувчи бу бактерия ошқозон шилимшиқ пардасига ёпишиб олиб, уни емириб борар экан. Организм иммун системаси бу бактерияга қарши модда ажратиб чиқаради. Бироқ, тадқиқот жараёнида маълум бўлишича, иммун моддалар — лейкоцит ажралиб чиққан пайтда «Helicobacter pylori» бактерияси «бекиниб олар» экан.

Зарарли бактерияларни тополмаган лейкоцитлар ғойиб бўлиши билан «Helicobacter pylori» яна пайдо бўлиб, ошқозон шиллиқ пардаси билан озиқланишни бошлаб юборар экан.

Бу жараён, яъни, «Helicobacter pylori»нинг иммун ҳужайралари билан бекинмачоқ ўйини давом этгани сайин инсон организмида ошқозон яраси ва гастрит касаллиги сурункали тус олади.

Шунингдек, италиялик олимлар «Helicobacter pylori» нафақат ошқозон яраси касаллигини, балки инсултни ҳам келтириб чиқариши мумкин деган тўхтамга келишган.

Мусаҳҳиҳ янглишганда

1. Кирни **(бирни)** кўриб фикр қил.
2. Кўлни-кўлга **(кўлни-кўлга)** бериб...
3. Раҳбарлар кирмаган тоғ **(боғ)**.
4. Онани қози **(розн)** қилиш.
5. Соғ **(тоғ)** этагидаги шифо маскани.
6. Чим **(сним)** ўғриларининг сири очилди.
7. Бола тарбияси эшиклан **(бешиклан)** бошланади.
8. Ҳар бир руҳдан **(гурухдан)** биттадан.
9. Оқсоқол белга **(элга)** суянса...
10. Хонамизга **(онамизга)** меҳримиз етарлими?
11. Нигоҳ **(никоҳ)** шартномаси.
12. Мактубимга тавоб **(жавоб)** келди.
13. Устоз ўрган **(кўрган)** шогирд.
14. «Чув **(сув)** париси» турнири бошланди.
15. Улоқ **(булоқ)** кўз очди.
16. Кўшнига бозор **(озор)** бермаслик ҳақида.
17. Сувнинг тўхташига насос **(асос)** борми?
18. Одамлари манти **(танти)**, тупроғи хазина.
19. Сеҳр **(меҳр)** доим тантана қилади.
20. Чўпнинг **(кўпнинг)** кўнглини топиб.
21. Ташвиш келтирган кишмиш **(миш-миш)**.
22. «Синч **(тинч)** бўлмаган қўшнилар».
23. Ҳамма нарсани тиладиган **(биладиган)** йигит.
24. Охири йўқ тиш **(иш)**.
25. Касал **(асал)** сақлашни биласизми?

Омонулла АБДУСАЛОМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ассистенти

Турфа олам, турфа одамлар

НАФАҚА ДАРДИДА...



Нафсига эрк берган одам пул, айниқса, бебиликса пул дардида нималарга қўл урмайди дейсиз?

63 ёшли италиялик бир киши нафақасини олиб юриш учун аллақачон вафот этган отасини музхонада сақлаб келган. Яъни, у отасининг вафот этгани ҳақида маъмурият хабар топса, унга берилаётган нафақа тўхтатиб қўйилишини билгани учун унинг жасадини ҳеч кимга кўрсатмасликка қарор қилган. Жасад ҳидланмаслиги учун уни омборхонадаги улкан музхонага жойлаштириб қўяди.

Кунларнинг бирида нимадир қидириб омборхонага тушган чолнинг неваралари бири музхонадаги мурдага дуч келган. Турган гапки, невара бу ҳакда зудлик билан полициягa хабар берган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертиза марҳумнинг ўз ажали билан вафот этганини тасдиқлаган. Нафақа дардида отасининг ўлимини яшириб юрган ноқобил ўғилга қандай жазо берилиши ҳозирча номаълум.

КИР ЮВГАНГА ЖАРИМА

Тбилиси шаҳри маъмурияти чиқарган қарордан кейин кўп қаватли уйларда яшовчилар ювилган кирларини ташқарига ёйишга журъат қилолмаслиги турган гап. Сабаби, энди кўча томонга қараган балконга кир ёйган тбилисилик 500 лари (тахминан 285 доллар) жарима тўлашига тўғри келади. Бу ҳолат яна такрорланадиган бўлса, жарима миқдори икки баравар ортади. Бу сумма грузияликларнинг ўртача иш ҳақидан ҳам бирмунча ошиқроқ экан.

Тбилиси мерияси матбуот хизмати ходимининг таъкидлашича, жарима ундириш муддати 20 кун қилиб белгиланган, агар шу муддатда жарима тўланмаса, суд орқали ундирилади.

Тбилисиликлар бу қарордан норози эмас, чунки шаҳардаги уйларда кир ёйишга мўлжалланган алоҳида хоналар бор экан.

ЭҲТИРОС БАНДАСИ

Тел-Авивнинг серқатнов йўлларидан бирининг қоқ ўртасида ўзи бошқариб бораётган автоуловни тўхтатиб қўйиб, ёнидаги хушрўй йўловчига эҳтирос билан ташланиб қолган яҳудий хоним транспорт ҳаракатини издан чиқариб, тиқилинчлар келиб чиқишига сабабчи бўлган. Воқеа жойига етиб келган полициячиларнинг гувоҳлик беришича, йўл ҳаракати-ю ахлоқ қоидаларига қўл силтаган хонимнинг эҳтироси олдида италян ёки француз хонимлари ҳам ип эшолмай қолар экан.

Исроиллик бу хоним йўл полициясига яхшигина жарима тўлашига тўғри келган.

ТЎҚСОН ЙИЛДАН СЎНГ

Почта хизматида ҳам антиқа воқеалар учраб туради. Яқинда британиялик бир почтачининг қўлига бундан тўқсон йил аввал, биринчи жаҳон уруши йилларида оддий аскар Батлернинг қаллиғи Эми Хиксга йўллаган мактуби тушиб қолган. Маълум бўлишича, мактуб қандайдир сабаб билан эгасига етиб бормаган ва ҳамон почтама-почта адашиб юрган.

Бу мактубни кеч бўлса-да манзилига етказишга бел боғлаган маҳаллий почтачи Батлерни ҳам, унинг қаллиғини ҳам топа олмади. Чунки бу инсонлар аллақачон дунёдан ўтиб кетишган экан.

Шундай бўлса-да, почтачи хатни эгасига — Батлер ва Эмининг яккаю ягона қизига етказишга муваффақ бўлди.

Аниқланишича, оддий аскар Батлер урушдан эсон-омон қайтган ва Эмига уйланиб, узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечиришган.

Бу хат шунча йил қаерда ётганига ва яна қандай қилиб почтага келиб қолганига ҳеч кимнинг ақли етмаяпти.

Интернет хабарлари асосида ЗОҲИД тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат Хусеновга волидаи муҳтарамаси **Сакина ХУСЕНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Babriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 152. 27 093 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Y.PARDAYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 20.00 2345678